VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

26 (295) ● 2014 йил 9 июль, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**Ўзлигини англашга бел боғлаган халқ ва миллат борки, аввало, буюк аждодлари, арбоблари ва алломаларининг мамлакат ҳамда жаҳон тарихида тутган ўрни, хизматларини эъзозлайди, қадрлайди**



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

**Мамлакатимизда сайловлар борасида кенг кўламли янгиланишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди**



5 ЖАРАЁН

**Самарқанд шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли "Алпомиш" соғломлаштириш оромгоҳида болажонлар ёзги таътилни мароқли ўтказмоқда**



6 НИГОҲ

# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Минтақавий семинар







## Пухта тайёргарлик ва янгича тарғибот

**сайловларда муносиб иштирок этишнинг кафолати**

*Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида, турли давраларда, учрашувларда сайлов, унга тайёргарлик кўриш ва муносиб иштирок этишга интилиш борасидаги фикрлар бот-бот такрорланаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Боиси, жорий йил мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ишлари давом этмоқда. Сайловларга пухта ҳозирлик ва изчил ҳаракат кўп овоз ва ўринга эга бўлиш кафолати, деган қоидани дастуриламал қилиб фаолият олиб бораётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан бу борада жойларда минтақавий ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. "Сайлов: тарғибот, ташвиқот ва технологиялар" мавзусидаги минтақавий семинарнинг навбатдагиси Тошкентда партия Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоят ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари иштирокида ўтказилди.*

Семинарни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очиб, иштирокчилар эътиборини қуйидаги масалаларга қаратди.

— Мамлакатимиз истиқлолининг 23 йиллигига қизғин тайёргарлик олиб борилаётган бир пайтда яна бир муҳим сиёсий жараёнга пухта ҳозирлик кўрилаётгани юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот узвийлиги ва изчиллиги тараққиёт кафолати эканини англатади. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий соҳаларда асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Бунга ҳар бир юртдошимиз туриш-турмуши, яшаш тарзи, фикрлаши, дунёқарашида юз бераётган ўзгариш ва янгиланишларда гувоҳ бўлиб турибмиз. Сиёсий партиялар учун муҳим синов даври ҳисобланган сайловлар бевосита фуқаролар фаоллиги билан боғлиқлиги, уларнинг овози партиямиз учун муҳим эканини боис, улар билан ҳозирдан мустаҳкам алоқа боғлаш, электорат манфаатларини таъминлашга қаратилган тарғибот ишларини янада кучайтириш ва таъсирчанлигини ошириш бугунги фаолиятимиз учун долзарб ҳисобланади. Бугунги саъй-ҳаракатларимиз эртанги кун кафолати эканини фаолиятимиз мезонига айлантирмоғимиз лозим, - деди партия раҳбари.

2-бет

Муносабат

## Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш

**ҳар биримизнинг бурчимиз**

***Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг шонли тарихидаги буюк ва ўчмас санани — Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш билан бирга ҳар бир юртдошимиз қалбида истиқлол, ҳурлик ва эркинлик нашидасини уйғотгани шубҳасиз.***

Дарҳақиқат, бу халқимизга ўзлигини қайтариб берган, миллий ғururимизни тоғдай ўстирган, миллий давлатчилигимиз пойдевори қўйилган кун. Шу боис бўлса керак, Давлатимиз раҳбари "мустақиллик осмондан тушган шунчаки неъмат эмас", деган гапни кўп такрорлайдилар.

Бундан йигирма уч йил аввал сиз билан биз бевосита гувоҳ бўлган бир кун бор. Бу — мустақиллигимиз эълон қилинган кун. Агар бугунги кунимизни яқин ўтмишимизга солиштирсак, таққосласак барчаси кундек аён бўлади. Мамлакатимиз ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолгани, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ СССРда энг охирги ўринлардан бирини эгаллагани, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олгани, иқтисодиётимиз бирёқлама ривожланганини унутмаслигимиз лозим. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон қолоқ аграр республикадан саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди. Бунинг тасдиғини мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ҳамда бошқа шу каби рақам ва кўрсаткичлар кўрсатиб турибди.

2-бет

Ижроия Қўмита йиғилиши

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва партия Марказий Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари, ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони масъул ходимлари иштирок этди.*

## Партия фаолияти самарадорлиги

**муҳокама этилди**

Йиғилишда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ижроси, партия Марказий Назорат-тафтиш комиссияси томонидан ҳудудий партия ташкилотларининг 2013 йилдаги ҳамда 2014 йилнинг ўтган давридаги фаолиятини ўрганиш натижалари ва бошқа партиявий масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов сўзга чиқди. Партия раҳбари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаолияти самарадорлигини янада ошириш, сайловларга пухта ҳозирлик кўриш бўйича чора-тадбирларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидланганидек, партия ҳудудий Кенгашлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, тарғибот ишларини замонавий сиёсий технологиялар асосида ташкил этиш, сайловларга муносиб тайёргарлик кўриш, бу жараёнда партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаоллигини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Изчиллик билан ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида партиянинг роли, ташаббускорлиги, таъсири ҳамда масъулиятини янада ошириш зарур.

2-бет

Ташаббус ва натижа

## Янги тарихий-ўлкашунослик музейи

**ташкил этиш масаласи партия гуруҳи томонидан туман Кенгаши сессиясига киритилди**

*Халқимизнинг тарихий, маънавий-маданий меросини асраб-авайлаш ва келажак авлодларга тўла-тўкис етказишга кўмаклашиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий вазифалари сирасига киради. Мазкур йўналишдаги ишларни жадаллаштириш ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш жойлардаги партия гуруҳлари зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда.*

4-бет

Қонунга шарҳ

## Ижтимоий шериклик

**фуқаролик жамияти шаклланишига хизмат қилади**

4-бет



Муносабат

# Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш

## ҳар биримизнинг бурчимиз

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги таҳликали замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини англашимиз даркор. Бу нафақат жамиятимиз, балки ҳар бир фуқаронинг ўз ҳаётидаги энг муҳим масала. Энди, ҳар биримизни жиддий мулоҳазага тортиши табиий бўлган қуйидаги саволларни ўзимизга бериб кўрайлик: Президентимиз нега мустақилликни асраб-авайлаш, уни кўз қорачиғидек сақлашга бу қадар кўп аҳамият беради? Сабаби битта. У ҳам бўлса мана шу она Ватанимиз — Ўзбекистон. Уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш, ривожига ҳисса қўшиш олий бурч. Бугун юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга замонавийлашиб, гўзаллашиб бормоқда. Лекин, атрофимизда бу ютуқларимиздан қувонаётганлар ҳам, кўра олмайдиганлар ҳам топилади. **“Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!”** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурининг ишлаб чиқилиши тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда муҳим роль ўйнайди.

Президентимиз “Миллатни асраш керак” деган ғояни қайта-қайта уқтиришдан чарчамайди. Миллатни асраш — унинг дину диёнатини, имон-эътиқодини, ахлоқ-одобини, бугунга қадар етишган маданий даражасини, мустаҳкам маънавий томирларимиз, не-не суронли асрлар тўфонларидан бизни миллат сифатида эсон-омон олиб ўтган ўлмас қадриятларимизни асраш демакдир. Ўтмишда юртимизга бостириб келган ҳар қандай мустабид борки, биринчи навбатда, миллий қадриятларни оёқости қилишга, миллат руҳини синдиришга ҳаракат қилган.

Бугун биз XXI асрда яшаяпмиз. Шунга мос равишда бизнинг руҳиятимизга нисбатан қилинаётган маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг ҳам усуллари, йўллари тобора нозиклашиб, “маданийлашиб” бораётгани сир эмас. Турли кинофильмлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар шаклида, газета-журналлар, интернет тармоғи ва бошқа йўналишларда узлуксиз равишда тиқиштирилаётган, бизнинг миллий тушунчаларимизни барбод этишга, мафкуравий иммунитетимизни сусайтиришга, ёшларимизни турли йўлларга оғдиришга қаратилган тажовузлардан ҳамиша огоҳ ва сергак бўлиб яшамоғимиз даркор.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси республика фуқароларининг қонуний манфаатлари ва маънавий-сиёсий иродасини ифода этувчи умуммиллий сиёсий куч сифатида истиқлол ғоялари атрофида бутун жамиятни жипслаштиришга интилиши билан алоҳида ўрин тутади. Зеро, партиямиз айнан бизнинг асрий орзу-умидларимиз ва истиқлол меваси бўлиб, халқнинг миллий тикланиш йўлидаги интилишларига камарбастадир. Шу маънода ЎзМТДП вакиллари ҳамма соҳада миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ички ва ташқи сиёсат юритилаётгани, иқтисодий ва маънавий-маданий ривожланишга эришилаётганининг аҳамиятини электоратимиз ўртасида мунтазам тарғиб қилишимиз лозим. Чунки, мустақилликни ҳимоя қилишнинг муҳим йўналишларидан бири миллатимизнинг маънавий-руҳий ҳаёти билан бевосита боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, жондан азиз мустақиллигимизни сиёсий, ҳуқуқий, ҳарбий, мафкуравий, маънавий жиҳатдан ҳимоя қилиш миллатнинг, мана шу диёрда яшаётган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Зеро, юқорида айтилганидек, мустақиллик — шунчаки неъмат эмас. Унинг уруғлари миллат қалбига экилиб, миллатнинг руҳи ва жонидан баҳра олиб яшнайди. Демак, мустақилликни асраш — миллатни асраш, унинг келажагини ҳимоя қилиш демакдир.

**Акмал РАҲМОНОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

# Ҳурлик шукронаси жўш урмоқда

***Юртбошимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори барча юртдошларимизни, хусусан, Фарғона аҳлини янада руҳлантириб юборди, десам муболаға бўлмайди.***

Айниқса, **“Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!”** деган эзгу ғоя кўп йиллардан буён таълим тизимида меҳнат қилиб келаётган устозлардан бири сифатида кўнглимда чексиз мамнуният, фахр-ифтихор ва шукроналик ҳис-туйғуларини уйғотди. Буни англаш учун биргина мустақилликка қадар фаолият юритган мактабларнинг қиёфасини эслаш, кифоя. Ўшанда мамлакатимиздаги таълим даргоҳларининг ярмидан кўпи таъмирталаб, ачинарли ҳолатда эди. Биз ўқитувчилар тор ва зах хоналарда, қўлбола жиҳозлар воситасида дарс ўтишга мажбур эдик. Ҳозир-чи? Бугунга келиб, таълим тизими тубдан ислоҳ қилинди. Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури қабул қилингани ва бунинг натижасида таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берилаётганини кўриш мумкин. Юртимиздаги мавжуд 10 мингга яқин мактаб таъмирлангани, қайта қурилгани, шунингдек, уларнинг замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ҳамда спорт инвентарлари билан таъминланганлик даражаси 1990 йилга нисбатан физика, кимё, биология фан кабинетлари 28 фоиздан 81,2 фоизга, компьютер техникаси кабинетлари 2,4 фоиздан 73,4 фоизга, спорт инвентарлари билан таъминланиши 14,7 фоиздан 84,9 фоизга кўтарилгани сўзимизнинг яққол далилидир. Қолаверса, ҳар йили янги ўқув йили бошида биринчи синф ўқувчиларига Президентимиз ташаббуси билан барча ўқув қуроллари совға сифатида берилаётгани фарзандлар ҳамда ота-оналар қувончига қувонч қўшиб, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда.

Бундан ташқари, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга ўзгариб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Бундан бир неча йиллар аввал Фарғонада бўлган киши бугун шаҳримизга ташриф буюрса, уни танимай қолиши шубҳасиз. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрда қабул қилинган “Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида вилоят марказида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир. Замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, йўллар, хиёбонлар ҳамда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилмоқда.

Яқинда Президентимиз гўзал Фарғонага ташрифи чоғида вилоятимизда қад ростлаган минг ўринли Санъат саройи, муҳташам Сув спорти мажмуасини кўздан кечириб, “Ўзбекистон фарзандлари нафақат спортда, балки барча соҳаларда улкан марраларни қўлга киритиши учун биз ҳеч нарсани аямаймиз”, деганларида барча фарғоналикларнинг кўнгли ғурурга, болаларининг ёрқин келажагига нисбатан ишонч туйғуларига тўлди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Юртбошимизнинг мустақиллик байрами арафасидаги мазкур ташрифи ҳар биримизни айёмга муносиб тайёргарлик кўришга, уни ўтказишда ўзаро ҳамжиҳатликка, фаолликка ундайди. Айниқса, биз депутатлар халқнинг ишонган вакили сифатида аҳоли орасида бўлиб, мазкур қарорда ўз аксини топган чуқур мазмунга эга ғояларни, мустақилликнинг нақадар улуғ неъмат эканлигини кишилар онгига сингдиришимиз даркор. Шу мақсадда ЎзМТДП Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари ўзаро ҳамкорликда **“Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!”** шиори остида тарғибот-ташвиқот чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқишга киришдик. Унга кўра, “Миллий тикланиш” демократик партияси дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, аҳолининг кенг қатламлари орасида маърифий учрашувлар ташкил этиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, театр ва ижодий жамоалар иштирокида мустақилликни эъзозлаш, асраб-авайлашга қаратилган саҳна кўринишлари уюштиришни мўлжаллаганмиз. Шунингдек, эзгу мақсадларимиздан яна бири вилоятимизнинг барча маҳаллаларида фольклор жамоаларини тузишни режалаштирганмиз. Томирида ватанпарварлик ҳисси жўш уриб турган ҳар бир юртдошимиз мазкур ташаббусимизни қўллаб-қувватлаб, мустақилликни, тинчликни мадҳ этишга ўз ҳиссаларини қўшиш ниятида эканлиги ҳурликнинг нақадар азиз неъматлигини каттаю кичик дилдан ҳис этаётганидан дарак беради.

**Тўлқиной ТОЖИЕВА,**
**халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат**

Минтақавий семинар





# Пухта тайёргарлик ва янгича тарғибот

## сайловларда муносиб иштирок этишнинг кафолати

(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинарда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Бобоев бу йилги сайловларнинг демократик талаблар доирасида ўтишида давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да илгари сурилган қонунчилик ташаббусларининг ҳаётга татбиқ қилингани муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар миллий қонунчилик амалиётига қатор муҳим янгиликлар олиб кирди.

Минтақавий семинарда ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Деҳқонов, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиқлари Дилбар Рашидова ҳамда Ханифа Зокированинг сайловларга тайёргарлик кўриш, сайловолди кампаниясини ташкил этиш, сайловолди ташвиқотида сайлов технологияларидан самарали фойдаланиш ва бу орқали давлат ҳокимияти вакиллик органларида кўпчилик ўринни эгаллашга қаратилган маърузалари тингланди. Шунингдек, ишончли вакил ва кузатувчилар ишини ташкил этиш, бу жараёнда қўлланиладиган сиёсий технологиялар, партиялараро рақобат шароитида номзодларнинг сайловолди дастурини тайёрлаш, сайлов штаблари фаолиятини режалаштириш каби долзарб масалалар муҳокама этилди. Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

***Бахтиёр АЛИҚУЛОВ, ЎзМТДП Гулистон шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:***

— Минтақавий семинар фаолиятимиз учун керакли мавзуларга бағишланган маърузалар, қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Унда тақдим этилган ҳар бир маъруза партиямиз учун муҳим синов бўлган сайловларга тайёргарлик кўриш, муносиб иштирок этиш, сайловолди тарғиботини амалга оширишда бор имкониятимизни ишга солиш ва бу орқали муваффақиятга эришиш борасидаги муҳим маълумотлар билан бойитилган. Семинардан олган билимларимиз, ўрганган тажрибаларимиз партиямизнинг сайловлардаги муносиб иштирокини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

***Гулноза МУСТАФОЕВА, ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот котиби:***

— Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими қарор топиб, партиялараро рақобат кучайиб бормоқда. Бу жараёнда ҳар бир партия ўз дастурий мақсад ва вазифалари, ғоя ва мафкурасини бойитиш, фаолиятини тарғиб қилишда янги тарғибот усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар сайловлар арафасида икки карра кучайиши, бу эса партиямизнинг ҳар бир фаоли зиммасига алоҳида масъулият юклаши табиий. Ўқув-семинарда сайловолди ташвиқотида оммавий ахборот воситалари имкониятидан самарали ва унумли фойдаланиш борасидаги маъруза фаолиятимиздаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, янгича интилиш ва қарашларни шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

* * *

Сайловларга пухта ҳозирлик кўриш ва фаол иштирок этиш, сайловолди кампаниясида сайлов технологияларидан самарали фойдаланишга қаратилган минтақавий семинар Наманганда ҳам ўтказилди. “Сайлов: тарғибот, ташвиқот ва технологиялар” мавзусидаги ўқув-семинарнинг бу галги иштирокчилари партия Андижон, Наманган ва Фарғона вилоят Кенгашлари фаоллари бўлди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Наманган, Андижон, Фарғона вилоят ҳамда туман Кенгашлари раислари, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича раис ўринбосарлари, партия ташкилотларининг мафкуравий ҳамда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш масалалари бўйича масъул ходимлари, партия фаоллари иштирок этди.

Семинар ЎзМТДП ғояси, дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб қилишда замонавий ва самарали усуллардан фойдаланиш, партиявий тадбирларни ноанъанавий тарзда ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини ошириш, партиянинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда тарғибот ишларида илғор тажрибалар, умумэътироф этилган сиёсий технологиялар, ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирни ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Одилжон Мамадалиев кириш сўзи билан очиб, бугунги ислоҳотлар изчиллигини таъминлашда сиёсий партиялар роли, ташаббускорлиги ва масъулиятини кучайтириш муҳимлигига тўхталиб, мазкур минтақавий ўқув-семинар ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, сайлов жараёнларида партия ўз олдига қўйган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Саймуддин Ёрматов ўз маърузасида иштирокчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, сайловларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида атрофлича маълумотлар бериб ўтди.

Шунингдек, семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиқлари Дилбар Рашидова ҳамда Ханифа Зокирова, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси хотин-қизлар масалалари бўйича экспертлар гуруҳи аъзоси, ЎзМТДП фаоли Розияхон Хабохунова томонидан маърузалар тақдим этилди. Маърузачилар партия ғояси ва дастурий мақсад-вазифаларини аҳоли ўртасида тарғиб қилишнинг самарали услублари, сайловларда кузатувчи, ваколатли ва ишончли вакилларнинг вазифалари, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишида хотин-қизларнинг ўрни, мамлакатимизда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, уларнинг хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишдаги ўрни, жамиятда хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишда имидж масаласи, аёлларнинг лидерлик ва етакчилик фазилатлари каби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтишди.

Маърузаларда таъкидланганидек, сайлов йилида партия электорати билан ишлаш, партия манфаатини ҳимоя қила оладиган аъзолар сонини кўпайтириш, ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини оширишга эътибор қаратиш ҳамда фаол аъзолар орасидан сайлов жараёнларида партия томонидан кўрсатилган номзодларни ҳимоя қила оладиган кузатувчи, ваколатли ва ишончли вакилларни саралаб олиш лозим. Жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловлар барча сиёсий партиялардан пухта ҳозирлик талаб қилади. Жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан сайловларга тайёргарлик кўриш, номзодлар захирасини шакллантириш, партиянинг сайловолди Платформасини ишлаб чиқиш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада бошланғич ташкилотлардан Марказий Кенгашгача бўлган доирада қизғин баҳс-мунозаралар, фикр-алмашинувлар олиб борилмоқда. Партия фаолларининг таклиф ва истаклари, мулоҳазалари ўрганилмоқда. Бугунги минтақавий семинар ҳам бу саъй-ҳаракатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

***Нозима РЎЗИМЕТОВА, ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси:***

— Фаолиятимиз сарҳисоб қилинадиган сайловлар йилида партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, партия сафини фаол ва ташаббускор фуқаролар билан кенгайтириш, ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш давлат ҳокимияти вакиллик органларида кўпчилик ўринни эгаллашда муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда ушбу жараёнга муносиб тайёргарлик кўришда мазкур ўқув-семинар муҳим аҳамият касб этади. Унда партия ғояси, дастурий мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда замонавий ҳамда самарали усуллардан фойдаланиш, тадбирларни ноанъанавий тарзда ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари имкониятидан унумли фойдаланиш борасидаги маълумотлар фаолиятимизда асқотиши шубҳасиз.

***Камола АБДУВАЛИЕВА, ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси:***

— ЎзМТДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган минтақавий ўқув-семинар жорий йил давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар олдидан фаолиятимиз учун айни муддао бўлди. Маърузаларни тинглар эканмиз, ҳар бир маъруза айни жараён учун долзарблиги, фаолиятимиздаги камчиликларни бартараф этишдаги аҳамияти билан муҳим ва қимматли эканини англадик. Бугунги олган билимларимиз фаолиятимизни танқидий таҳлил этиб, сайловларга ёруғ юз билан киришимизда замин бўлади.

**Ўз мухбиримиз**

Ижроия Қўмита йиғилиши

# Партия фаолияти самарадорлиги

## муҳокама этилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йилда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларга пухта ҳозирлик кўриш ҳамда бу жараёнда партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш долзарб вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

Бу борада партия туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари ҳамда қуйи бўғинлар фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, партия гуруҳлари ташаббускорлигини кучайтириш борасида муайян саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Аммо, фаолиятимизда айрим камчиликларнинг мавжудлиги, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаслик ҳолатлари танқидий таҳлил этилиб, аниқ ва мақсадли дастурларни ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Йиғилишда партия раҳбари ЎзМТДП тизимида йўл қўйилаётган камчиликларга тўхталиб ўтар экан, кадрларни жой-жойига қўйиш, тадбирлар самарадорлигини ошириш, ҳужжатлар билан ишлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини қайд этди. Ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг сайловга тайёргарлиги масалалари юзасидан амалий кўмак бериш мақсадида Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девони ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари ҳар бир ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятини ўрганиб, мавжуд камчиликларни бартараф этишга сафарбар этиб келинаётганлиги, ЎзМТДП фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилганлигини таъкидлади.

Чора-тадбирлар режасига мувофиқ, жорий йилнинг 23-27 июнь кунлари бир қатор ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари фаолияти ўрганилди. Унга партия Марказий Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари, Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси аъзолари ва Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девонининг масъул ходимлари жалб қилинди. Ўрганиш натижасида айрим ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларида тадбирлар таъсирчанлигини оширишда сусткашликка йўл қўйиш, партия гуруҳлари аъзоларининг туман Кенгаши сессияларига партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатлари билан боғлиқ ташаббус-масалалар киритмаганлиги аниқланди. Аниқланган камчиликлар бўйича тегишли тавсиялар ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Назорат-тафтиш комиссияси раиси А.Тўхтабоевнинг ахбороти тингланди. У Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Назорат-тафтиш комиссияси томонидан ҳудудий партия ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ўрганиш натижалари юзасидан маълумот бериб, барча ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотларида партиянинг Устав қоидаларига ва партия Марказий Кенгаши қарорларига риоя қилиниши юзасидан ўтган йилларга нисбатан ижобий ўзгаришлар амалга оширилганлиги билан бирга, йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам тўхталди.

Мажлисда бу каби камчиликларни бартараф этиш юзасидан барча ҳудудий партия ташкилотлари раисларига тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Йиғилишда партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Йиғилиш кун тартибида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**ЎзМТДП МК**
**Ахборот хизмати**

Боқий мерос

*Бизнинг давримизгача етиб келган бу бой меросдан бутун башарият равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланиш — бу сиз билан бизнинг вазифамиз, сиз билан бизнинг бурчимиздир.*

**Ислом КАРИМОВ**

*Самарқандда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партия Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоят Кенгашлари, Халқаро Амир Темур фонди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология институти ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида "Амир Темур ва темурийлар салтанатида фарзанд тарбиясининг ўзига хос жиҳатлари" мавзусида минтақавий конференция ташкил этилди.*



# Аждодлар мероси

## қадриятлар бешигидир

Конференцияни ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Анвар Мирзаев кириш сўзи билан очди.

— Ўзлигини англашга бел боғлаган халқ ва миллат борки, аввало, буюк аждодлари, арбоблари ва алломаларининг мамлакат ҳамда жаҳон тарихида тутган ўрни, хизматларини эъзозлайди, қадрлайди. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида миллий, маънавий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, тарихимизни холис ва чуқур ўрганиш, аждодларимиз номини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан муқаддас заминимизда таваллуд топган, ўз ҳаёти ва фаолияти билан дунё цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк боболаримиздан бири Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш беқиёс аҳамият касб этади. Унинг ақлзаковати, мардлиги, жасорати, ватанпарварлиги, топқирлиги, метин иродаси, бунёдкорлик фазилатлари ёш авлод учун чинакам ибрат мактабидир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Бизнинг тарихимизда Амир Темурдек шахс бор экан, агар унинг мероси, насиҳатлари ва ўгитлари ҳаётимиз билан ҳамоҳанг тарзда муаммоларни ечишга кўмаклашар экан, демак бу меросни ўрганмасликка, уни изоҳламасликка ҳаққимиз йўқ". Улуғ бобокалонимиз босиб ўтган йўлни шу каби тадбирлар доирасида ўрганиш ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, уларни улуғ аждодимиздан фахрланиб, уларга муносиб бўлиб улғайишлари ҳамда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган халқимизнинг илмий-тарихий меросини чуқур ўрганиш ва эришилган ютуқларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларни юртимиз тарихи ва халқ анъаналарига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга кўмаклашиш сингари дастурий мақсад-вазифалар ижросига хизмат қилиши шубҳасиз.

— Амир Темур буюк саркарда, йирик марказлашган давлат асосчиси сифатида тарихда ўчмас из қолдирган сиймолардан биридир, - деди конференцияда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Жаҳонгир Бобоев. — Истиқлол йилларида миллий қадриятларни тиклаш, тарихий сиймолар хотирасини эъзозлаш, маданиятимиз ва санъатимиз ривожига ҳисса қўшган ижодкорлар фаолияти, уларнинг бой маънавий меросини тадқиқ, тарғиб ва ташвиқ қилиш, тарихий адолатни қарор топтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, миллий давлатчилигимиз тарихидаги ёрқин саҳифалардан бўлган темурийлар давридаги маданий ҳаёт, илм-фан ривожида олиб борилган ишлар бир неча тарихий, фалсафий китобларда, ўнлаб тадқиқотларда ўзининг ҳақиқий баҳосини топди. Ўша давр тарихини ўрганиш борасидаги илмий изланишлар, тадқиқотлар ҳали-ҳамон давом этмоқда.

Тадбирда таъкидлангандек, Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида маданият ва илм-фан аҳлига юксак эътибор ва алоҳида ғамхўрлик кўрсатди. Тарихчи ибн Арабшоҳ: "Темур олимларга меҳрибон, майийду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўла иззату ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату-икромини унга изҳор қиларди" деб ёзади. Кўплаб илм-маърифат алломалари, жумладан, Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нўъмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Ҳокийлар Соҳибқироннинг марҳаматидан баҳраманд бўлиб, унинг хизматида бўлдилар. Амир Темур илм-фаннинг риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, фалакиёт, адабиёт, тарих, мусиқа каби соҳалари ривожига алоҳида эътибор қаратган. Унинг соҳиби ҳунарлар билан қилган суҳбатлари ҳақида француз олими Лянглэ шундай ёзади: "Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки, Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборини берарди". Амир Темур ўзини моҳир дипломат сифатида ҳам намоён қила олган. Унинг Византия, Венеция, Генуя, Испания, Франция, Англия, бошқача айтганда, ўша вақтда кўпроқ маълум ва машҳур бўлган Оврўпо давлатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини француз ва инглиз қиролларининг унга ёзган мактублари билан далиллаш мумкин.

Конференцияда, шунингдек, Халқаро Амир Темур фонди ходими, тарих фанлари доктори Убайдулла Уватовнинг "Ўзбекистон - улуғ алломалар юрти", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Халқаро Амир Темур фонди раиси ўринбосари Тўлқин Ҳайитовнинг "Буюк аждодларимиз мероси — бутун инсониятнинг маънавий бойлигидир" каби мавзулардаги маърузалари ҳам тингланди.

Маърузаларда таъкидланганидек, тарихдан аёнки, ҳукмдорлар илм-фан ва маданиятга ҳомийлик қилган юртда ҳамиша маънавият юксалган, ривож топган. Шу жиҳатдан Амир Темур ва унинг авлодлари илм-фан, маданият ва адабиётга ҳомийлик қилиб, ўзлари ҳам бу борада улкан мерос қолдиргани ҳеч кимга сир эмас. Ҳазрат Навоий ўз асарида йигирма икки темурий шаҳзода (Халил Султон, Мирзо Улуғбек, Бойсунқор Мирзо, Абулқосим Бобур, Султон Масъуд Шоҳ Бариб Мирзо, Абдуллатиф Мирзо, Хусайн Бойқаро ва бошқалар) шеър ва мусиқага ошно бўлганини эътироф этган.

Беқиёс салоҳият соҳиби бўлган Амир Темурнинг илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида амалга оширган ишлари нафақат халқимиз, балки дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Бу эса бизга чексиз ифтихор ва ғурур бағишлаши билан бирга, аждодларга муносиб авлод бўлиб етишиш масъулиятини юклайди.

***Амриддин БЕРДИМУРОДОВ,***
***ЎзР ФА Археология институти директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Тарихсиз келажак йўқ деганларидек, ўтмишини чуқур билган халқнинг истиқболи кафолатлидир. Тарихни англаш орқали инсонда ҳаётни, ўзлигини англаш қобилияти шаклланади. Айниқса, буюк аждодларнинг ворислари бўлган, башарият тараққиётига катта ҳисса қўшган миллатга дахлдор инсон қалбида ўтмишини ўрганишга эҳтиёж кучаяди. Унинг миллий ғурури мустақил тараққиёт йўлини танлаган юрт фаровонлиги учун камарбаста бўлишга чорлайди. Шу боис, эртанги кун ворислари — ёшларнинг юртимиз ва халқимиз тарихини билиши уларнинг етук инсон сифатида улғайишида муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги маърузаларидан келиб чиқиб, ташкил этилаётган бундай тадбирлар эртамиз эгаларида аждодлардан фахрланиш туйғусини мустаҳкамлаш баробарида, улуғ сиймоларимиз ҳаёти ва фаолияти борасидаги билимларини бойитиш ҳамда уларга муносиб авлод бўлиб улғайишга ундаши шубҳасиз.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Чортоқда миллий музей ташкил этилди

## бунда қуйи бўғин фаоллари ташаббускор бўлишди

*Мамлакатимиз ҳаётида кечаётган изчил ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш, жамият аъзоларида юксак фуқаролик масъулиятини кучайтириш, партия дастурий вазифаларини кенг тарғиб қилиш орқали ижтимоий қатламини мустаҳкамлаш, энг муҳими, электоратнинг сон ва сифат жиҳатдан барқарорлигига эришиш ЎзМТДП фаолиятида асосий мезон саналади. Таъкидлаш ўринлики, бу жараёнда партиянинг таянч бўғини саналган бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.*

Халқ маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган миллий қадрият ва анъаналарни ҳаётга жорий этиш, юксак маънавиятли, ахлоқли ҳамда комил инсонни тарбиялашга кўмаклашиш каби дастурий мақсадларни амалга оширишда Чортоқ туманидаги Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини қошида бир гуруҳ педагогларни бирлаштирган қуйи бўғиннинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

— ЎзМТДП Чортоқ туман Кенгаши қошида 1188 нафар аъзони бирлаштирган 27 та қуйи бўғин фаолият юритади, - деди партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Дилафруз Ҳамрохўжаева. — Мазкур қуйи бўғинлар партия дастурий мақсад-вазифаларини тарғиб қилиш, фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида турли чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Навоий номли маҳалласидаги қуйи бўғиннинг сайлов округлари, маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва ёшлар ўртасида партия дастурий вазифаларини кенг тарғиб қилиш, мақсадларини рўёбга чиқаришга қаратилган ташаббуслари хайрихоҳларимиз сафининг кенгайишига хизмат қилмоқда.

— Миллий қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб қилиш, юксак маънавиятли, ахлоқли ҳамда комил инсонни тарбиялашга ҳар томонлама кўмаклашиш партиямизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади, - дейди қуйи бўғин етакчиси Шоирахон Абдуллаева. — Бошланғич партия ташкилотимиз ўз фаолиятида асосий эътиборни электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партия мафкураси ва ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишга қаратган. Маҳалла фаолларини ўз атрофида бирлаштирган қуйи бўғинимизда аъзолар сони бугунги кунда 351 нафарга етди. Қувонарлиси шундаки, аъзоларимизнинг аксарияти ёшлардан иборат. Шу боис фаолиятимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг бўш вақтларни тўғри тақсимлаш мақсадида турли тўгараклар ташкил этдик. Жумладан, қуйи бўғин етакчиларининг билим ва кўникмаларини юксалтиришга қаратилган семинар, очиқ мулоқот, давра суҳбатлари, учрашувлар, баҳс-мунозаралар, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказилаяпти. Хусусан, "Биз одам савдосига қаршимиз", "Комилликка интилиб", "Юксак маънавиятли ёшлар — Ватан келажаги", "Истиқлол ва ёшлар", "Соғлом она — соғлом бола", "Миллий қадриятларни қадрлаб" каби тарғибот тадбирлари фуқароларда партиямиз дастурий мақсад-вазифаларига нисбатан қизиқиш уйғотиб, маслакдошларимиз сафи кундан-кунга ошиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қуйи бўғин фаолиятини кузата туриб ёшларни ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялаш, маънавиятини юксалтириш, уларни ёт ғоялардан асраб-авайлаш борасида бир қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдик. Шунингдек, қуйи бўғин аъзолари ташаббуси билан ташкил этилган тўгаракларда кўплаб ёшлар спортнинг турли йўналишлари билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда.

— Мамлакатимизда қадимдан ишончли қўрғон саналган оилани мустаҳкамлаш, асраш, унда вояга етаётган фарзандларни соғлом фикрли этиб тарбиялаш, тиббий маданият ва саводхонлик даражасини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, - дейди етакчи Ш.Абдуллаева. — Бу жараёнда сиёсий партиялар, жумладан, унинг негизи ҳисобланмиш қуйи бўғин аъзолари ҳам муносиб иштирок этишга интилмоқда. Бошланғич партия ташкилотимиз фаоллари билан биргаликда оилаларда соғлом муҳит яратиш, қизларни оила маданияти сабоқлари билан таништириш мақсадида "Ёш оила мактаби", "Оила психологияси", "Соғлом турмуш тарзи" каби махсус курслар, "Ораста қизлар" каби тўгараклар фаолиятини йўлга қўйдик. Ўйлаймизки, бу каби амалий ишларимиз бўлғуси оила бекаларининг тиббий маданияти ва саводхонлиги юксалишига хизмат қилиши шубҳасиз. Ўрни келганда айтиш жоизки, қуйи бўғинимиз фаоллари яна бир эътирофга лойиқ ишни амалга оширишга эришишди. Партия фаолларидан бири Мавлудахон Маматжанова ташаббуси билан миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаш ва уларни келажак авлодга етказиш мақсадида миллий музей ташкил этилди. Педагоглар ва ёшлар кўмагида миллий қадриятларимизни янада ривожлантиришга қаратилган кўплаб тадбирлар, акциялар ўтказиш орқали бугунги кунда музейимиз ота-боболаримиздан қолган деҳқончилик асбоблари, турли хил тангалар, идишлар, аёллар ва эркаклар кийимлари каби экспонатлар ҳисобига бойитилди. Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, туманимизга ташриф буюраётган юртдошларимиз, хорижлик меҳмонлар айнан шу музейга ташриф буюрмай кетмайдилар. Барчани узоқ йиллик тарихга эга турли экспонатлар ўзига жалб этмай қолмайди. Айни дамда олиб бораётган ишларимизнинг барчаси ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Олдимизга қўйган мақсадларимиз талайгина. Фаолиятимизни янада кучайтириш, аъзоларимиз сонини ошириш, тадбирларни ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан такомиллаштиришни режалаштирганмиз.

**Азамат ҚОСИМОВ,**
**ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши матбуот котиби**

Хроника

# "Соғлом турмуш тарафдоримиз"

## ЎзМТДПнинг ҳудудий ташкилотлари томонидан ўтказилган тадбирлар шу мавзуга қаратилди

### ФАРҒОНА

ЎзМТДП Бешариқ туман Кенгаши ташаббуси билан "Оналик ва болалик давлат ҳимоясида" мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ортиғали Исомиддинов мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб она ва бола манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, хотин-қизларнинг жамиятнинг барча жабҳаларида фаол иштирок этишлари учун кенг шароит яратиш, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганини таъкидлади. ЎзМТДП сайловолди Платформасида шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёслигини инобатга олиб, оила қадриятларини асраб-авайлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлашга кўмаклашиш каби масалалар дастурий вазифа сифатида белгиланган. Иштирокчилар мазкур дастурий мақсад-вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ишларини жорий "Соғлом бола йили"да янада кучайтириш лозимлигини таъкидлашди.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Чиноз туман Кенгаши ташаббуси билан "Гиёҳвандлик — аср вабоси" мавзусида тадбир ўтказилди.

— Гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида ўсиб келаётган ёш авлодга тушунча бериш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишларини назорат қилишда барчамиз бирдек масъулмиз, - деди тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Тойирхон Мансуров. — Зеро, огоҳлик ва ҳушёрлик муаммонинг бартараф этилишида муҳим аҳамият касб этади. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП сайловолди Платформасида ёшларни маънавий-ахлоқий таҳдидлар, турли салбий иллатлар таъсиридан ҳимоя қилишга кўмаклашиш устувор мақсад-вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасидаги кенг қамровли ишларга партиямиз ҳам муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда. Айниқса, аҳоли ўртасида бу борадаги тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши мазкур саъй-ҳаракатлар самарадорлигини таъминлайди.

Якунда ёш иштирокчилар томонидан "Биз гиёҳвандликка қаршимиз" шиори остида расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

### САМАРҚАНД

ЎзМТДП Нуробод туман Кенгаши томонидан "Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, сайловолди жараёнларида партия ғояси ва сайловолди Платформасини тарғиб қилишда энг замонавий технология бўлган интернет имкониятларидан фойдаланишни изчил кучайтириш, яъни интернет журналистикасидан кенг фойдаланиш, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали партиядан кўрсатилган номзодларни сайловчиларга яқиндан таништириш, ғоя ва қарашларимизни тарғиб қилиш партия хайрихоҳлари сафини кенгайтиришини таъминлайди. Шу боис, оммавий ахборот воситалари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш, улар имкониятларидан унумли фойдаланиш кўзланган мақсадларга эришишда айни муддао бўлади.

### СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Шўрчи туман Кенгаши "Ёшлар қаноти"томонидан "ЎзМТДПнинг ёшларга оид сиёсати, асосий йўналишлари, тажрибаси ва истиқболдаги вазифалари" мавзусида тадбир ўтказилди.

— Ҳар томонлама баркамол, салоҳиятли, билимли ва зукко фарзандлар юрт келажагини белгилайди, - деди тадбирда сўзга чиққан партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси етакчи мутахассиси Ўктам Шарофиддинов. — Улар эришаётган ютуқлар, зафарли марралар эса мамлакатда уларга яратиб берилаётган имконият ҳамда шароитлар, эътибор ва ғамхўрлик маҳсули сифатида юзага чиқади. Бугун истиқлол шарофати билан барча соҳаларда ривожланиш кузатилмоқда. Айниқса, ёшларга берилаётган имкониятлар эътирофга лойиқ. Аъзоларининг 52 фоизини ёшлар ташкил этувчи ЎзМТДП Ватанимизнинг миллий-маънавий қадриятларини ҳурмат қилувчи, мамлакатимизнинг жаҳоннинг энг илғор давлатлари даражасида кўришни истовчи ва бунга ўз ҳиссасини қўшишга тайёр ёшлар билан кўплаб эзгу ишларни амалга оширишга кўмаклашмоқда. Партиямиз томонидан ўтказилаётган кўплаб йирик лойиҳалар ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, шу асосда уларни жамиятимиз тараққиётининг ҳал қилувчи кучига айланишида муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

### ҚАШҚАДАРЁ

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши ташаббуси билан "Ёш журналистлар маҳорат мактаби" тингловчилари ўртасида "Энг яхши мақола" кўрик-танлови ўтказилди.

— Мазкур кўрик-танлов партия томонидан ўтказилаётган йирик лойиҳалардан бири саналади, - деди тадбирда сўзга чиққан партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси Шаҳноза Қаҳҳорзода. — Бугунги танловда иштирок этган ёш ижодкорлар ўзларини журналистиканинг турли жанрларида синаб кўрдилар. Улар ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган барча тадбирларда мунтазам иштирок этиб, турли жанрдаги ижодий ишлари билан вилоятнинг барча оммавий ахборот воситаларида қатнашишди. Ўрни келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, журналистикага қизиқувчан йигит-қизлар, асосан, юртимизда ёшларга яратиб берилган имкониятлар, аҳоли орасида экологик, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, миллий анъана ва қадриятларни янада юксалтиришга доир таҳлилий, бадиий публицистик материаллар тайёрлагани, уларнинг мазкур танловга масъулият билан ёндашганларидан далолат бўлади. Ўйлаймизки, партия томонидан ўтказилаётган бу каби танловлар кўплаб ижодкор ёшларнинг истеъдодлари юзага чиқишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

### НАВОИЙ

ЎзМТДП Навоий шаҳар Кенгаши ташаббуси билан "Баркамол авлод улғайишида спортнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, болалар спортини ривожлантириш мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг устувор йўналишини ташкил этади. Юртимизнинг барча вилоятларида, айниқса, энг чекка ҳудудларда ҳам бунёд этилаётган замонавий болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Бугунги кунда вилоятимизда кўплаб спорт мажмуалари фойдаланишга топширилган, - деди тадбирда сўзга чиққан партия шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси етакчи мутахассиси А.Мийлиева. — Ҳар бир спорт мажмуасида 20 нафардан ортиқ спорт усталари, мураббийлар ёшларга спортнинг енгил атлетика, стол тенниси, волейбол, футбол, бадиий гимнастика турлари бўйича сабоқ бермоқдалар. Партиямиз турли спорт беллашувлари, жумладан, "Миллий тикланиш соврини учун" спорт мусобақаси орқали ёшларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фарзандларимизнинг ўз иқтидор ва салоҳиятларини рўёбга чиқариш учун имконият яратишга кўмаклашаётгани ёшлар орасидан кўплаб жаҳон, Осиё чемпионлари етишиб чиқишига қанот бағишлаши шубҳасиз.

### ХОРАЗМ

ЎзМТДП Хонқа туман Кенгаши томонидан "Соғлом турмуш тарафдоримиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида аҳоли саломатлигини асраш, айниқса, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарорлари мазкур йўналишдаги ислоҳотлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом вояга етказишда, аввало, оила қуриш остонасида турган йигит-қизларда тиббий маданиятни юксалтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, бу борада партия ташкилотлари ва гуруҳлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлашди. Давра суҳбати якунида ёш иштирокчилар томонидан расмлар кўргазмаси намойиш этилди.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ташаббус ва натижа





# Янги тарихий-ўлкашунослик музейи

**ташкил этиш масаласи партия гуруҳи томонидан туман Кенгаши сессиясига киритилди**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртимиз тарихи, бой маънавий меросимизни ўрганишда музейлар муҳим аҳамият касб этишини инобатга олсак, улар фаолиятини янада ривожлантиришга эҳтиёж сезилади. Бу борада Давлатимиз раҳбарининг "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Музейлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мамлакатимиздаги 1200 дан ортиқ музейнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланганлиги, очиқ осмон остидаги музейларга ҳам катта аҳамият қаратилиб, уларни давлат муҳофазасига олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганлиги фикримиз исботидир.

Жумладан, Навоий вилоятида бугунги кунда 12 та давлат, 7 та соҳа, 3 жамоатчилик ва 27 та мактаб, жами 49 та музей фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳудуддаги музейлар тизимини такомиллаштириш, улар фондларида сақланаётган ноёб экспонатлар, осори-атиқаларни асраб-авайлаш ва бойитиш, уларни халққа етказишда, ёш авлод онгини юксалтиришда муносиб ҳисса қўша оладиган малакали соҳа ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатларда ЎзМТДП гуруҳларининг иштироки қандай кечмоқда, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Зеро, партиянинг асосий дастурий мақсади ҳар бир Ўзбекистон фуқароси онгида ўз мамлакатининг ўтмиши, бугуни ва келажагидан фахрланиш туйғусини тарбиялаш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган. Айтиш жоизки, ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгаши сессияси кун тартибига "Туманда маданий мерос объектларини ҳимоя қилишнинг бугунги ҳолати ҳамда "Сармишсой табиий-археологик мажмуа музейи қўриқхонаси" негизида давлат музейини ташкил этиш тўғрисида"ги масала киритилгани эътиборга молик. Сессияда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Гулмира Элова маъруза қилди. У ўз сўзида мазкур ташаббус-масала партия дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган долзарб вазифалар сирасига киришини эътироф этди. Маърузачи Навбаҳор туманидаги маданий мерос объектлари, хусусан, дунё нигоҳида бўлган Сармишсой дарасидаги беш минг йиллик тарихга эга бўлган нодир петроглифларни ўрганиш юзасидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари хусусида батафсил тўхталди. Депутатлик гуруҳи раҳбарининг таъкидлашича, Ўзбекистон Фанлар Академияси ҳузуридаги Археология институти олимлари томонидан Сармишсой маданий мероси тарихи илмий жиҳатдан ўрганилгани, эришилган илмий натижалар асосида кўплаб ахборотномалар, каталоглар, илмий рисола ва ўқув дарсликлари нашр этилиб, юртимиз тарихини ўрганишда асосий манбалардан бири сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Эътироф этилганидек, мустақиллик йилларида табиатнинг бу бетакрор манзилини ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш мақсадида бир қатор илмий-амалий ишлар олиб борилди. Хусусан, 2004 йили Навоий шаҳри ва Сармишсой дарасида ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар Академияси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Сармишсой табиий ва маданий меросини муҳофаза қилиш, ўрганиш ҳамда бошқаришнинг янгича усуллари" мавзусида халқаро илмий анжуман ташкил этилди. Айни пайтда мазкур анжуманда илгари сурилган таклиф ва мулоҳазалар асосида Сармишсой табиий-археологик мажмуа музейи қўриқхонаси ҳудудида туристик база ҳамда "Ташрифгоҳ" қурилиши бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Партия гуруҳининг туман Кенгаши сессиясига киритган ташаббус-масаласида Сармишсой табиий-археологик мажмуа музейи қўриқхонаси негизида давлат музейини ташкил этиш ва унинг инфратузилма тизимини яратиш, ташкил этилаётган музейни мутахассис кадрлар билан таъминлаш, музей ҳудуди буферзонасини белгилаш, маданий ва табиий моддий бойликларни давлат рўйхатига киритиш, музей визитцентрини барпо этиш ва моддий техника базасини шакллантириш йўналишида муайян таклифлар илгари сурилган. Шунингдек, сессияга киритилган ташаббуснинг яна бир муҳим жиҳати — бу туман тарихий ўлкашунослик музейини ташкил этиш масаласидир.

— Музейларда сақланаётган ҳар бир экспонат бизга ўлкамиз тарихидан бизга маълумот беради, - дейди депутат Гулмира Элова. — Улар халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида бой тарихимизга нисбатан фахр, ифтихор туйғуларини шакллантиради. Туманимизда тарихий ўлкашунослик музейи йўқлигини инобатга олсак, ушбу масалани ҳал этиш чора-тадбирларини кўриш пайсалга солиб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Шунингдек, партия гуруҳи томонидан олиб чиқилган ташаббус-масалада ҳудуддаги кўп минг йиллик тарихга эга бўлган "Учтут" қадамжосини ҳам ободонлаштириш, кўркам зиёратгоҳга айлантириш масаласи кўзда тутилган.

Сессия кун тартибига киритилган масалани ўрганиш жараёнида ЎзМТДП гуруҳи томонидан ҳудуддаги маданий мерос объектларининг туристик салоҳиятини оширишга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, тумандаги мавжуд тарихий обидалар ва қадамжолар рўйхатини шакллантириш, эътибордан четда қолган манзилларни аниқлаб, ўрганиш жойлардаги маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга қаратилган ишларни тизимли ташкил этиш каби устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Бир сўз билан айтганда, халқ депутатлари Навбаҳор туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳининг ташаббус-масаласи сессия давомида қизғин баҳс-мунозаралар асосида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Унга мувофиқ, туманда тарихий ўлкашунослик музейини ташкил қилиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Айни пайтда мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилиб, туман ўлкашунослик музейи бунёд этиладиган ҳудуд танланди. Музейга туман тарихига оид қадимий қўлёзмалар, суратлар, матолар, кийимларни тўплаш, ҳужжатлаштириш, экспозиция ва кўргазмаларни жойлаштириш тартиби ва режаларини ишлаб чиқиш, археологик ва этнографик изланишлар олиб бориш каби ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Қонунга шарҳ

# Ижтимоий шериклик

**фуқаролик жамияти шаклланишига хизмат қилади**

***Мамлакатимиз кучли фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлидан дадил бормоқда. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар демократик қадриятларни, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланди. Бугунги кунда фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки тобора ортмоқда. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни, бағрикенглик ҳамда миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашда ҳам самарали иштирок этмоқдалар.***

Маълумки, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини кучайтириш учун янада қулай имкониятларнинг ҳуқуқий негизини яратиш вазифаси қўйилиб, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган эди. Концепция ғояларини ҳаётга татбиқ қилиш ва амалиётда қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида қуйи палатага киритилди ва қабул қилиниб, Сенатга юборилди. Мазкур қонун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаб беради. Шунингдек, муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишда уларнинг иштирок этиш шакллари ва усулларини аниқлаштиради.

Ушбу қонун Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" принципига мос равишда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ролини оширишни, уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётида давлат ҳокимияти органлари ҳамкорига айланишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Бугун фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ижтимоий-иқтисодий дастурларни ҳаётга татбиқ этишда, жамиятимизда маънавий-ахлоқий муҳит, бағрикенглик ҳамда миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлашда ҳам самарали иштирок этмоқдалар. Шу маънода уларнинг иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ умуммиллий ва минтақавий вазифаларни ҳал этишга қўшаётган ҳиссаси ҳам тобора ортиб бормоқда.

Қонунда миллий ва халқаро амалиёт асосида ижтимоий шерикликнинг мақсади, унинг субъектлари ҳамда принциплари аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик янгилаш жараёнида ижтимоий шерикликнинг қатор ҳамкорлик соҳалари: аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, фуқаролар фаоллигини ошириш, иш билан таъминлаш, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни асраш, баркамол ва соғлом авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш каби нормалар акс этган. Шунингдек, фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш, миллатлараро тотувликни таъминлаш, маънавий-ахлоқий, маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари ҳам белгиланди.

Қонунда ижтимоий шерикликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш турлари — давлат субсидиялари, грантлар ва ижтимоий буюртмалар бериш, ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш механизмлари аниқ кўрсатилган. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ташаббускорлигини ҳамда ролини кучайтириш, шунингдек, уларнинг жойларда ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги фаол иштирокини рағбатлантириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан тузиладиган жамоат фондлари ва жамоат комиссияларининг ваколатлари ва вазифалари мустаҳкамлаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсадларини амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиши шубҳасиз. Зеро, партиямиз ўзаро шериклик муносабатларининг ривож топиши бунёдкорлик ишларини амалга оширишнинг, Ватанимизнинг миллий манфаатлари учун фидокорона хизмат қилишнинг муҳим манбаи деб ҳисоблайди.

Мухтасар айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал қилишда давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги бўйича ижтимоий шерикликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини аниқ белгилаб олишга ва шу орқали Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига хизмат қилади.

**Қодиржон ОДИЛОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

Маҳаллий вакиллик органларида

# ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ФАОЛЛИГИ

**сайловларда муваффақият қозонишнинг муҳим омилидир**

***Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти(ФЖШМҚМИ) Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси томонидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган "Депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш, сиёсий партиялар ҳудудий ташкилотлари томонидан сайлов жараёнида депутатликка номзодлар тайёрлаш ва кўрсатишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги семинар-тренинг бўлиб ўтди.***

Маълумки, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунга кўра, партия гуруҳларининг ҳуқуқ ҳамда ваколатлари сезиларли равишда кенгайтирилгани улар ишини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Эндиликда партия гуруҳлари давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибини тузишда иштирок этиш, давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосли хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқини берувчи кўплаб ваколатларга эга бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан ФЖШМҚМИ Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси етакчи мутахассиси Тўлқин Аликулов мазкур қонунга алоҳида эътибор қаратиб, ҳозирда сиёсий партиялар дастурий мақсад-вазифаларининг маҳаллий вакиллик органларида амалга оширилишида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳам муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлади:

— Халқ депутатлари Тошкент вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, дастурий мақсад-вазифаларни амалга ошириш мақсадида тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар ҳамда доимий комиссиялар йиғилишларида муҳокама қилиш учун таклиф киритиш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Мазкур йиғилишларга киритилган масалалар сони ҳам ўтган йилга нисбатан кўпайган ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилган, депутатлик назорати кучайтирилган. Турли ташкилот ва корхоналарга юборилган депутатлик сўровларининг деярли барчаси ижобий ечим топган. Шу билан биргаликда партия гуруҳлари фаолиятида маълум бир камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Хусусан, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларида ва доимий комиссиялар йиғилишларида мансабдор шахслар ҳисоботининг эшитуви ва муҳокамаси "хўжа кўрсин"га ёхуд фақат расмиятчилик нуқтаи назаридан ташкил этилганини ҳам кузатишимиз мумкин. Бугунги семинарда партия гуруҳи аъзолари, фаоллари билан фикр алмашилгани, гуруҳларга бўлинган тарзда ўқув-машғулотлар ўтказилгани юқоридаги каби хатоликларнинг олдини олишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, семинар-тренингдан кўзланган асосий мақсад ҳам маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳи раҳбарлари ва аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, тажриба ва кўникмаларини янада юксалтириш ҳамда улар фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, семинарда ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Ўткир Рашидов ҳамда партия туман, шаҳар Кенгашлари раислари сўз олиб, навбатдаги сайловларга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўриш лозимлиги, партия ҳудудий ташкилотлари томонидан маҳаллий Кенгаш депутатлигига кўрсатиладиган муносиб номзодларнинг захирасини шакллантириш ва уларни сайлов кампаниясига тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бунда номзодлар билан ишлаш, улар учун махсус ўқувлар ташкил этиш, партиянинг дастурий мақсад-вазифаларини атрофлича тушунтириш зарурлиги таъкидланди.

Семинарда сайловларда муваффақиятга эришиш учун, энг аввало, овоз берувчилар, яъни партиямизга хайрихоҳлар ва аъзолар сонини кўпайтиришга аҳамият қаратиш лозимлиги, шунингдек, партия ўз номзодини фақат сайлов олдидан эмас, балки кейинги сайловгача, 5 йил мобайнида тайёрлаши, мунтазам равишда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириб бориши керак, деган ҳақли фикрлар ўртага ташланди. Зеро, вакиллик органларида кўпчилик ўринни эгаллаш орқали электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партиялараро рақобат муҳитида партия гуруҳлари фаоллигини кучайтириш партиянинг нуфузи ошишига хизмат қилади.

Шунингдек, тадбирда институт томонидан маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, партия ходимлари ва партия фаоллари учун чоп этилган "Сиёсий партияларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини ташкил этишга доир услубий тавсиялар" номли қўлланманинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

* * *

Мазкур йўналишдаги семинар-тренинг Андижон вилоятида ҳам ташкил этилди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамда ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда депутатликка лойиқ номзодлар захирасини шакллантириш ва уларни сайловларга тайёрлаш бўйича партия ҳудудий Кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди. Ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 12 майдаги "2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастури"да белгиланган вазифалар доирасида кўриб чиқилди. Шунингдек, семинарда партия гуруҳлари фаолиятига ҳам эътибор қаратилди.

— Йилдан-йилга партия гуруҳлари фаолиятида сезиларли даражада ўсиш кузатилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин, - деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Комилжон Отахонов. — Жумладан, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳимиз томонидан 2014 йилнинг I чораги давомида амалга оширилган депутатлик сўрови 11 та, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглаш 5 марта, доимий комиссияларга киритилган таклифлар сони эса 2 тани ташкил этмоқда. Бугунги семинарда партия гуруҳлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш учун кўплаб тавсияларга эга бўлдик.

Дарҳақиқат, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг фаолиятига назар ташласак, ўтган вақт мобайнида ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, таълим-тарбия тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш, халқимизнинг маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш борасида самарали ишлар, кўплаб ташаббус-лойиҳалар амалга оширилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Семинар давомида эришилган ютуқлар билан биргаликда баъзи камчиликлар ҳам таҳлил қилинди. Жумладан, партия гуруҳи фаолиятини ўз вақтида ҳужжатлаштириб бориш, сессия йиғилишларида кун тартибига олиб чиқилаётган масалаларга ҳар томонлама эътиборли бўлиш, уларни ўрганиш зарурлиги айтилди. Мазкур масалаларни бартараф этиш, партия гуруҳи ишини самарали ташкил этиш мақсадида кичик гуруҳларда интерфаол машғулотлар олиб борилди.

Якунда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш, депутатликка номзодлар захирасини шакллантириш ҳамда навбатдаги сайловларга пухта ҳозирлик кўриш масалалари юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

**Умида УЗОҚОВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири,**
**Гулжаҳон САЛИБАЕВА,**
**ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши матбуот котиби**

MILLIY TIKLANISH
26 (295) 2014 йил
9 июль, чоршанба



Ўқув-семинар

# Сайлов ва аёллар

## ана шу мавзуга қаратилган семинарда мақола ва лойиҳалар танлови ғолиблари ҳам аниқланди



***Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб бориш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу боис партия томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш ЎзМТДПнинг аёллар сиёсатини амалга ошириш борасидаги муҳим вазифасига айланган.***

ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан “Сайловларда аёллар фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусида ўтказилган ўқув-семинарда шу хусусда сўз борди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари “Аёллар қаноти” етакчилари, ҳудудий партия ташкилотлари хотин-қизлар фаоллигини ошириш масалалари бўйича мутахассислари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди:

— Барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимизда сайловлар борасида ҳам кенг кўламли янгиланишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса сиёсий партиялар фаоллиги, фуқароларнинг сайлов маданияти ошгани, мамлакатимизда демократик ислоҳотлар кўлами кенгайганининг ифодасидир. Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар томонидан сайловолди ташвиқотини амалга ошириш билан боғлиқ барча жараён аниқлаштирилди. Шу билан бирга қонунчилигимизда депутатликка сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатишга тааллуқли муҳим норма мавжуд. Унга кўра, “Хотин-қизлар сони сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим”. Мазкур норма орқали аёлларнинг сайловларда ўз номзодларини қўя олиш имконияти янада кенгайди. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларга тўлиқ мос ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларнинг оила, давлат ва жамият қурилишидаги вазифаларни ҳал этишдаги ўрни ва нуфузини юксалтиришга хизмат қилади. Бугунги семинар ҳам айни масалаларни чуқур муҳокама қилиш, бу борада партия олдида турган долзарб вазифаларни аниқлаш ва уларни сайловларда самарали қўллаш мақсадини кўзлаб ташкил этилди, - деди пировардида партия етакчиси.

Семинар ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда партия “Аёллар қаноти” етакчилари, фаолларининг мамлакатимиздаги сайлов тизими ва қонунчилиги борасидаги билимларини, сиёсий онги ва маданиятини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш мақсадида ташкил этилди. Ўқувда “ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасини амалга оширишда “Аёллар қанотининг иштироки: натижа ва муаммолар”, “Депутатликка номзодларнинг ОАВдаги сайловолди тарғиботи технологиялари”, “Сайловолди жараёнларида аёллар сиёсий фаоллигини оширишнинг психологик механизми”, “Сайловларда партиянинг аёл номзодларида сиёсатчи имиджини шакллантириш хусусиятлари”, “Сайловолди кампаниясини ташкил қилиш: тажриба ва амалиёт” каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди. Тадбир доирасида партия “Аёллар қаноти” томонидан эълон қилинган “Маънавиятли соғлом оила — ёруғ келажак тимсоли” мавзусидаги мақолалар танлови ҳамда “Энг яхши сайловолди дастури” танловининг Республика босқичи ғолиблари аниқланди.

***Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— Партиялар учун муҳим синов даврида электорат манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, уларнинг ишонч ва эътиборини қозониш учун партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, партия сафини фаол ва ташаббускор аъзолар билан кенгайтириш, ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини ошириш давлат ҳокимияти вакиллик органларида кўпчилик ўринни эгаллашда муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, сайловлар жараёнида сайловолди ташвиқот ишлари муҳим саналади. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партиялар учун ўзига хос синовдир. Сайловолди ташвиқотининг қандай ўтказилиши сиёсий партия электорати сонининг ортиши ёки камайишида, унинг мавқеини белгилаб беришда муҳим жараён ҳисобланади. Бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли муҳимдир. Сайловолди ташвиқотини олиб боришда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш масаласида Марказий Сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом муҳим аҳамиятга эга. Унга асосан, сайлов жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароит яратиш белгиланган. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ва “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилайди. Ушбу ҳуқуқий асосларда белгиланган имкониятлардан сайлов жараёнларида самарали фойдаланиш унда муносиб иштирок этишни таъминлайди.

***Ханифа ЗОКИРОВА,***
***ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи:***

— Партия сайловолди Платформасида аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, давлат ҳокимияти вакиллик органларида кўпчилик ўринни эгаллаш орқали ўз тарафдорлари манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борадаги ишларни изчиллик билан амалга ошириш учун, энг аввало, партия сафида фаолият юритаётган кадрлар салоҳиятини ошириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада хотин-қизлар иштирокини таъминлаш масаласи ҳам муҳим саналади. Айтиш жоизки, ЎзМТДП умумий аъзолари сони 178 минг 536 нафарни ташкил этса, шундан 84 минг 982 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Олий Мажлис Сенатида 2 нафар, қуйи палатада эса 5 нафар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида эса 203 нафар партиямиздан сайланган депутат аёллар фаолият юритмоқда. Ушбу рақамларнинг ўзи ҳам хотин-қизлар партиямизнинг асосий таянчи эканини англатади. Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, партия “Аёллар қаноти” томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, раҳбар ва етакчи хотин-қизларни шакллантириш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларда етакчилик сифатларини шакллантиришнинг долзарб вазифалари” мавзусидаги туркум семинарлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги ўқув-семинар ҳам мазкур тадбирларнинг мантиқий давомидир.

***Жамила УСМОНОВА,***
***семинар иштирокчиси,***
***Хоразм вилояти:***

— ЎзМТДП томонидан ташкил этилаётган ҳар бир тадбирда фаол иштирок этиб, унинг дастурий мақсад ва вазифалари менинг қарашларимга мос эканини англаганман. Партияга аъзо бўлиб, унинг ғояларини тарғиб қилишда фаол иштирок этиб келяпман. ЎзМТДП “Аёллар қаноти” томонидан эълон қилинган “Маънавиятли соғлом оила — ёруғ келажак тимсоли” мавзусидаги мақолалар танловида партия дастурий мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳанг туркум мақолаларим билан иштирок этдим. Уларда “Соғлом бола” йили, мустаҳкам оилани барпо қилиш, оила маънавияти каби масалалар кенг ёритилди. Танловнинг Республика босқичида ғолиб бўлишим мени партияга янада яқин бўлиб, ғоялари тарғиботида бундан-да фаол бўлишимга қанот бахш этади.

***Ҳабиба МАРДОНОВА,***
***семинар иштирокчиси:***

— Сайловлар жараёнида депутатликка номзодлар томонидан тақдим этиладиган сайловолди дастурлари ҳаётийлиги, одамлар қалбига яқинлиги билан ажралиб туриши лозим. Бугунги сайловчи кечагисидан тубдан фарқ қилади. Бугун аҳоли ўз манфаатини тўла ифодалайдиган, кундалик турмушида дуч келаётган муаммоларни ечадиган, аниқ ва натижали сайловолди дастури учун овоз беради. Халқимизнинг маънавий ҳаёти учун муҳим, кундалик турмушида асқотадиган, фарзандлари маънавий тарбиясида муҳим аҳамиятга эга аниқ таклиф ва тавсиялар илгари сурилган сайловолди дастурим танловнинг биринчи ўринига лойиқ топилганидан мамнунман. Зеро, маънавиятли инсон яшашдан мақсад нималигини билади, ўз ишида гўзаллик яратишга интилади, кийиниш ва муомала маданиятини юксак савияда эгаллайди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: “Маънавият инсонни руҳий покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон — эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Қонунчилик палатасида

# Қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти

## матбуот анжуманида яна бир бор муҳокама этилди

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ ва масъул қўмита аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Матбуот анжуманида сўз олган депутатлар “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси” асосида ишлаб чиқилган “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг асосий мақсади, унинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида маълумотлар беришди. Таъкидланганидек, нодавлат секторнинг иқтисодиётдаги улушини янада кенгайтириш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилишни рағбатлантириш, салоҳиятли сармоядорларнинг барча тоифалари учун хусусийлаштириш жараёнида тенг равишда иштирок этишини таъминлаш, хусусийлаштирилган битимлар очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган мазкур қонун лойиҳаси мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Шунингдек, юртимизда ишлаб чиқаришни техник-технологик янгилаш ва модернизациялаш учун хорижий инвестиция, шу жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш, шу асосда юқори сифатли, рақобатбардош ва экспорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳоли бандлиги даражаси ва даромадини ошириш орқали халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасида давлат мулкининг барча турларини хусусийлаштириш объектлари сифатида, давлат мулкини, шу жумладан, унинг айрим турлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда хусусийлаштириш шартлари ва усуллари, мажбуриятларни қабул қилиш ва иқтисодий, ижтимоий мақсадлардаги ва объектларнинг бозор шароитларида хусусийлаштиришдан кейинги даврда фаолият кўрсатишларини белгиловчи юклатишларни қўйиш шартлари, давлат хусусийлаштириш дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнлари аниқлаштириб берилганлиги таъкидланди.

Тадбирда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жамила Ниязова “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ўз мазмун-моҳияти билан партия мақсад-муддаоларига ҳамоҳанг эканлигини таъкидлади. Хусусан, ЎзМТДП сайловолди Платформасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтирилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, қонун лойиҳасида маданий мерос объектлари хусусийлаштирилмаслиги белгилаб қўйилган.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган барча саволларга депутатлар ҳамда мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди. Шунингдек, иккинчи ўқишга тайёрланаётган қонун лойиҳаси хусусида қатор таклиф ва фикрлар билдирилди.

**М.КОМИЛОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

**Грант олиш учун танлов эълон қилади**

Танлов мавзуси: “**Мамлакатнинг чекка ҳудудларида ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш, болаларни, айниқса, қиз болаларни жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳрини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш”.**

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

*- кам таъминланган оилалар фарзандларини, ногирон болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;*
*- ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд оилалар қизларини турли оммавий-маданий тадбирларга кенг жалб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш;*
*- болалар фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш, ота-она қаровисиз қолган етим болалар, ақлий ёки жисмоний ривожланишда нуқсонлари бор болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;*
*- етакчи олимлар ва экспертлар иштирокида вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш;*
*- алоҳида эътибор талаб этадиган вояга етмаган болалар ва оилалар билан индивидуал ишлар олиб бориш;*
*- ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни фаровон ҳамда соғлом оила яратиш масалаларида хабардорлиги, саводхонлиги ва масъулиятини ошириш;*
*- тиббий маданиятни юксалтириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;*
*- болалар ва ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, табиий олам ва атроф муҳит муҳофазаси борасида тассавурини шакллантириш;*
*- таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда улар ўртасида ижодий интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш;*
*- **«Бир болага етти қўшни ота-она»** шиори остида болалар тарбияси учун оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;*
*- ёшларда ватанпарварлик, тарихий ва маданий меросни ҳурмат қилиш туйғусини шакллантириш;*
*- ёшлар ва ёш оилаларни намунали оилалар тажрибаси асосида кўп асрлик ва синовдан ўтган миллий анъана ва қадриятлар руҳида тарбиялаш.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси *(ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан)*, манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.**

Ҳужжатлар 2014 йил 23 июндан 1 августгача ҳар куни соат **9-30** дан **18-00** га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда *(А4 формат)*: “100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй” манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт. Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.new.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

**Грант олиш учун танлов эълон қилади**

**Танлов мавзуси:** “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда ва аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қисмига ёрдам ёрдам кўрсатишда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат тузилмаларининг ўзаро ижтимоий шериклигини янада кучайтириш.”

**Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

*- ижтимоий шерикликнинг янги шаклларини амалга ошириш орқали ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;*
*- оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш;*
*- болалар ва ёшларга замонавий билим ва касбларни эгаллашга кўмаклашиш, кам таъминланган оилалар фарзандларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш;*
*- хотин-қизлар, ёшлар, ёш оилалар, жисмоний имконияти чекланган шахслар ва аҳолининг ёрдамга муҳтож бошқа қатламларини янада ижтимоий қўллаб-қувватлаш;*
*- аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд гуруҳларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш;*
*- янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни, хотин-қизлар ва жисмоний имконияти чекланган инсонларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш;*
*- оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, халқ ҳунармандчилиги ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантиришга кўмаклашиш;*
*- республиканинг чекка туманлардаги хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш;*
*- болаларни тарбиялашда, оилада соғлом муҳитни шакллантиришда, ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд аҳоли қатламлари билан маҳаллаларда индивидуал ишлашни ташкил этиш;*
*- болалар ва аёлларни оммавий спорт турлари тадбирларига жалб қилиш, оилада анъанавий соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш;*
*- болаларнинг баркамол ривожланиши, уларнинг соғлом ва жисмонан ривожланишига қулай шароит яратишга кўмаклашиш;*
*- мураккаб ҳаётий шароитда қолган аёлларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий мослашувига кўмак кўрсатиш.*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, www.new.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси *(ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан)*, манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.**

Ҳужжатлар 2014 йил 23 июндан 1 августгача ҳар куни соат 9-30 дан 18-00 га қадар қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда *(А4 формат)*: “100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй” манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.new.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди**

**Грант олиш учун танлов эълон қилади**

**Танлов мавзуси:** “Шаҳарлар, маҳаллалар ва кўчаларнинг ободлигини таъминлаш ишларида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш масалаларида ННТ ва аҳолининг фаоллигини ошириш”

***- Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:***

*- **“Ватан фаровонлиги оиладан бошланади”** шиори остида лойиҳаларни амалга ошириш;*
*- аҳолининг атроф-муҳит муҳофазаси масалаларидан хабардорлигини ошириш, маҳаллий экологик вазифаларини ҳал этишда аҳоли иштирокини таъминлаш;*
*- соғлом турмуш тарзини айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш;*
*- атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда жамоатчилик назоратини таъминлаш;*
*- атроф-муҳитнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларини олдини олишга кўмаклашиш;*
*- ННТларининг маҳаллалар билан шерикликда бажариладиган атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;*
*- аҳолининг турли гуруҳлари орасида юқумли касалликларнинг профилактикасини амалга ошириш, профилактик чора ва тадбирлар борасида хабардорлигини юксалтириш;*
*- атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ва жамиятда соғлом турмуш тарзини юксалтиришга кўмаклашиш;*
*- соғлом авлодни вояга етказишда таълим ва спортнинг аҳамиятини янада кучайтириш, болаларни баркамол ривожлантириш ва аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш учун шароитлар билан таъминлаш;*
*- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ жойларидаги аёлларни сифатли ижтимоий-маиший шароитлар билан таъминлашга кўмаклашиш;*
*- ижтимоий инфратузилма объектларида энергия ва сувни тежаш, замонавий чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш технологияларини ривожлантиришга кўмаклашиш;*

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида ННТ ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати, **www.new.fundngo.uz** сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;
2. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси, Низом нусхаси *(ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгариш ва қўшимчалар билан)* шунингдек, манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача, ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.**

Ҳужжатларни қабул қилиш 2014 йил 23 июндан 1 августгача, ҳар куни соат **9-30** дан **17-00** га қадар.

Танловда давлат рўйхати ва ҳисобидан ўтган ННТ ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда *(А4 формат)*: “100035, Тошкент ш. Бунёдкор шоҳ кўчаси, 1-уй” манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.new.fundngo.uz** расмий сайтида танишиш мумкин. Маълумот учун тел: 239-26-76, 239-26-64.

Илм-фан

# “Баракот” ҳосилга ҳосил қўшади

### индигофера тропик ўсимлиги — йирик даромад манбаи

***Бугунги кунда мамлакатимизда таълим тизимининг такомиллаштирилиши натижасида илмий тадқиқот институтлари билан бир қаторда олийгоҳларнинг ҳам фан ривожига қўшаётган ҳиссаси йил сайин ортиб бормоқда. Улар томонидан машинасозлик, кимё, фармакология каби соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борилиб, кўзга кўринарли натижаларга эришилаяпти. Ушбу фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жадал татбиқ этиш давр талабидир. Бу саноатимизнинг интенсив ривожланишини таъминлабгина қолмай, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида ўз нуфузига эга бўлишида катта аҳамият касб этади.***

Сўнгги йилларда Урганч давлат университети олимлари ҳам илмий изланишлар самарасини ҳаётга татбиқ қилиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширдилар. Бундан бир неча йил олдин университет ректори, биология фанлари доктори, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Рўзимбой Эшчанов ва “Барқарор тараққиёт ва экологик таълим” кафедраси доценти О.Раҳимов шолини тегирмондан ўтказиш жараёнида чиқадиган унсимон чиқиндида ўсимликлар ривожини тезлаштирувчи биологик фаол модда — қўшаминобензой кислотаси мавжудлигини аниқлаб, ундан биоростловчи олишга муваффақ бўлди. Олинган моддада ивитилган чигит билан лаборатория шароитида чинакам мўъжиза юз бера бошлади. У одатдагидан қарийб 2 баробар тез униб чиққан. Олимлар ушбу биоростловчи маҳсулотга “Баракот” деб ном беришди ва уни кенг дала майдонларида синаш ишларини бошлаб юборишди. Хоразм, Қашқадарё, Сирдарё ва Бухоро вилоятларида ўтказилган ишлаб чиқариш синовлари ҳам юқори натижа берди. Ғўза ниҳоли одатдагидан 3-4 кун эрта униб, 10-15 кун олдин пишиб етилди. Пахта ҳосили гектарига 5-8 центнерга, толаси чиқими 2% га, толанинг узунлиги эса 2-3 миллиметрга ортди,вильт касаллиги ва зараркундалардан зарарланиш 3-4 баробарга камайди. Ғўза навига қўйиладиган бошқа талаблар бўйича кўрсаткичлар ҳам юқори бўлди.

“Баракот” биоростловчиси буғдой далаларида ҳам синовдан муваффақиятли ўтди. У билан ишланиб экилган буғдой уруғи тез ва текис униб чиқиб, поялари одатдагига нисбатан жадал ривожланди ва эрта пишиб етилди. Натижада ҳосилдорлик гектар ҳисобига ўртача 10-15 центнергача ошди. Бугунги кунда “Баракот” биоростловчиси Хоразм вилоятининг Қўшкўпир, Хазорасп, Янгиариқ ва бошқа туманларида кенг қўлланилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги фойдаланувидаги ерларнинг шўрланишининг олдини олиш бугунги кунда бутун дунёда долзарб муаммога айланган. Барча мамлакатларда мавжуд илмий салоҳият ушбу муаммони ҳал этишга сафарбар этилган. Урганч давлат университети олимлари ҳам бу борада деҳқонлар учун қишлоқ хўжалигида янги ғоялар асосида тежамкор ресурс технологиялар бўйича муайян тавсиялар ишлаб чиқмоқда. Шулардан бири нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё учун янгилик ҳисобланган тропик экин-индигофера ўсимлигини Орололди минтақасида ўстириш агробиотехнологиясини яратиш бўлди.

Шу ўринда индигофера, яъни сифатли табиий Нил бўёғини берувчи ўсимликнинг ўзига хос афзалликларини санаб ўтсак. Биринчидан, бу ўсимлик ерларнинг унумдорлигини оширишда, айниқса уларни азотга бойитишда катта аҳамиятга эга. Иккинчидан, ундан Осиё ва Европанинг тўқимачилик саноатида жун, ипак ва пахтадан тўқилган матоларни бўяш учун қимматбаҳо табиий бўёқ моддаси индиго (самовий зангор рангдан то тўқ қизил ранггача) олинади. Ва ниҳоят, учинчидан, индигофера антибактериал ва замбуруғга қарши восита хусусиятига эгалиги сабабли эпилепсия,тери яраси, жигар токсикози ва, ҳатто, саратоннинг баъзи турларига қарши дори ишлаб чиқаришда фармацевтика саноатида хомашё сифатида фойдаланилади.

Бир гектар майдонда етиштирилган индигофердан 18-25 тоннагача биомасса олинади. Қуритилгандан сўнг ундан 60-100 килограммгача қимматбаҳо бўёқ пигменти (кукуни) олиш мумкин. Агар бу пигмент Европа бозорларида 80 евродан 240 еврогача баҳоланишини ҳисобга олсак, фемерлар бу экиндан яхшигина даромад қиладилар ҳамда ернинг унумдорлигини 2-3 йилгача тиклаб оладилар.

— Олийгоҳимизда илмга чанқоқ ёшларнинг кўплиги ҳамда уларга фан чўққиларини эгаллашлари учун барча зарур шароитларнинг яратилганлиги деҳқонларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган тадқиқотларимиз кўламини йил сайин кенгайтиришимизга кенг йўл очган, - дейди биз билан суҳбатда университетнинг барқарор тараққиёт ва экологик таълим кафедраси доценти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди О.Раҳимов.

Бугунги кунда замонавий ишлаб чиқаришни фаннинг илғор ютуқларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, кичик фермер хўжалигидан тортиб йирик саноат корхонасигача доимо янги ихтироларга эҳтиёж сезганлари боис олимлар мададига суянишларини шиддат билан одимлаётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Алишер РАҲМОН,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**







(ЎзА) олган суратлар.

***Самарқанд шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли “Алпомиш” соғломлаштириш оромгоҳида болажонлар ёзги таътилни мароқли ўтказмоқда. Айни пайтда бу ерда 220 нафардан ортиқ меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар ва корхона-ташкилотлар ишчи-хизматчилари фарзандлари соғломлаштирилмоқда. Компьютер саводхонлиги, тасвирий санъат ва турли ҳунармандчилик тўгараклари, стол тенниси, футбол, волейбол, шахмат-шашка секциялари фаолияти йўлга қўйилган. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида маданий-маърифий тадбирлар, қизиқарли танлов ва спорт мусобақалари мунтазам ташкил этилмоқда.***

Бандлик

# Касаначилик

### оила фаровонлиги, аҳоли бандлигининг асосий омилидир

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш мақсадида уй хўжалигини тараққий эттириш ҳамда кенгайтиришга кенг имконият яратилди. Айниқса, аҳоли даромадларини ошириш ва бандликни таъминлашда уй хўжалигини юритишнинг истиқболли йўналишларидан бири — касаначиликка бўлган эътибор янада кучайди. Бунинг натижаси ўлароқ республикамизда касаначилик билан шуғулланадиган оилалар сони кун сайин ортиб бормоқда.***

Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда ҳукуматнинг бу борадаги тегишли қарорлари соҳа ривожида муҳим дастуриламал вазифасини ўтаяпти. Зеро, мазкур ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш орқали бир қатор вазифаларни руёбга чиқариш кўзда тутилган. Хусусан, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб қилиш, оила бюджети даромадларини кўпайтириш, уй меҳнатидан фойдаланган ҳолда бутловчи қисмлар, тайёр маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш йўли билан йирик саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишга эришиш мумкин.

Бугунги кунда касаначилик мамлакатимизда бандликнинг энг фаол ривожланаётган шакли ҳисобланади. Касаначилик фаолиятининг асосий устунлиги шундаки, у билан исталган ҳудуд ва жойда шуғулланиш мумкин. Уй шароитида меҳнат қилувчи ходим жойлашган масофа ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Томонлар буни мақсадга мувофиқлик тамойили, шунингдек, меҳнатни ташкил этиш ва ёлловчи томонидан ходимнинг назорат қилинишини таъминлашнинг реал имкониятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Касаначилик 16 ва ундан катта ёшдаги жисмоний шахс ўз уйи ёхуд унинг оила аъзоларига тегишли бошқа жойда иш берувчининг буюртмасига биноан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш мақсадида ишларни бажариш билан боғлиқ фаолият ҳисобланади.

Касаначилик фаолияти билан дастлаб, асосан, аёллар, кўп фарзандли оналар, пенсионерлар, ногиронлар шуғулланган бўлса, у бугунги кунга келиб, аҳолини иш билан таъминлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда. Айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида касаначиликнинг ҳунармандчилик, миллий либослар, оёқ кийим тикиш ва таъмирлаш ва ҳатто, металл, ёғоч, пластмасса, резина ва бошқа материаллардан бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, сувенирлар тайёрлаш, мебель йиғиш ва ишлаб чиқариш, маҳсулотларни сархиллаш, нон ва қандолат маҳсулотларини пишириш каби турлари ҳам кенг тарқалмоқда.

Республикамиз аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шаклларини кенг ривожлантириш, жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида йирик саноат корхоналари билан кооперацияни кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда. Сўнгги йилларда касаначилик нафақат миқдор, балки сифат жиҳатдан ҳам кескин ўзгарди. Сўнгги пайтда эса касаначиликнинг бир қанча янги турлари пайдо бўлди. Янги касаначилар деганда ахборот технологиялари соҳасидаги юқори малакали мутахассислар, дастурчи ва дастурий маҳсулот ишлаб чиқувчилар, дизайнер, таржимон ва муҳаррирлар тушунилади.

Жумладан, электрон касаначиликни унинг энг янги турига киритиш мумкин. Негаки бундай тоифадаги ходимлар меҳнати узоқда бажарилишидан ташқари, замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланишни ҳам назарда тутади. Ушбу касаначилик турлари мамлакатимиз иқтисодиётида кенг қўлланилиб, ўз самарасини кўрсатиб келмоқда. Чунки республикамизда мамлакатимизда қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ушбу фаолият билан ҳам эркин шуғулланиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда иш билан бандлик даражаси ва аҳоли даромадларини оширишда касаначиликнинг аҳамиятини яна шундан билса бўладики, ҳар йили камида 500 минг аёл бола парвариши учун таътилга чиқади. Табиийки, уларнинг оила даромадини таъминлашдаги энг қулай иштироки уй меҳнати билан машғул бўлишдир. Негаки кўп болали оналар учун касаначиликдан кўра қулай ва мос меҳнат тури йўқ.

Бир сўз билан айтганда, касаначилик миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш, шунингдек, мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва оила даромадларини оширишда муҳим ўрин тутади.

**Нилуфар ЭРКИНОВА,**
**Тошкент молия институти тадқиқотчиси**

Лойиҳа

# Журналист кодекси

### Ўзбекистон журналистларининг одоб-ахлоқ меъёрлари касбий кодекси оммавий ахборот воситалари вакиллари томонидан қизғин муҳокама қилинмоқда

***Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида “Журналистлар касб одоб-ахлоқи меъёрларининг долзарб масалалари” мавзусида ўтказилган давра суҳбати ушбу лойиҳа муҳокамасига бағишланди. Унда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, олимлар, экспертлар қатнашди.***

Давра суҳбатида сўз олган Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат ва бошқалар бугунги глобаллашув даврида оммавий ахборот воситалари фаолиятини ислоҳ этиш, жамиятда демократик қадриятларни қарор топтириш журналистлар одоб-ахлоқ меъёрларининг долзарб масалалари билан узвий боғлиқ эканини таъкидлади.

Маълумки, журналистларнинг одоб-ахлоқ меъёрлари кодекси юртимизда илк бор 2006 йили қабул қилинган. Бу галгиси унинг янада тўлдирилган варианти бўлиб, халқаро журналистика талабларига тўлиқ жавоб беради. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу кодекс энг аввало, журналистни ҳалоллик ва холисликка, ўз ишига виждонан ёндашишга ундайди. Сир эмас, ҳозирги кунда дунёнинг айрим давлатлари интернет, ижтимоий тармоқлар, блоглар ва медиа-ресурслар орқали ахборот-тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бориб, муайян мамлакатдаги сиёсий жараёнларга билвосита таъсир ўтказишга уринмоқда. Шу боис, мазкур кодекс журналистни шов-шув кетидан қувмасликка, ишончли манбага асосланган ҳолда мақола, кўрсатув ёки эшиттириш тайёрлашга ўргатади.

Жорий йилнинг декабрь ойида мамлакатимизда муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Табиийки, бундай катта тадбир журналистлар иштирокисиз ўтмайди. Шу муносабат билан давра суҳбатида сайлов кампанияси даврида журналистларнинг одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этиш қоидаларига бағишланган бир қатор маърузалар тингланди.

Тадбир доирасида журналистлар одоб-ахлоқ меъёрлари кодексини тузишда қатнашган хорижий эксперт Тарму Таммерк билан телекўприк орқали мулоқот қилдилар. Ўз навбатида эксперт кодекснинг айрим бандларини изоҳлаб, жўяли таклифларни билдирди.

Давра суҳбати чоғида халқимиз миллий менталитети, маданияти ва анъаналаридан келиб чиққан ҳолда оммавий ахборот воситалари фаолиятида одоб-ахлоқ меъёрлари, долзарб ижтимоий масалаларни ёритишда касб этикаси тамойилларига риоя этиш атрофлича муҳокама этилди. Лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

**Зафар МУҲАММАД,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

Мулоҳаза

# Деворий газета

### ижодга рағбат уйғотади

***Бугунги ҳаётимизни кундалик матбуот — газета-журналларсиз тасаввур қилиш қийин. Мамлакатимизда турли соҳаларда эришилаётган ютуқлар, фан ва таълим, адабиёт ва санъат янгиликлари, дунё воқеаларини матбуот нашрлари орқали ўқиб, танишиб борамиз, улар дунёқарашимизни бойитишда беминнат ёрдамчилардир.***

Мактаб деворий газетаси ҳам ўқувчининг маънавий ва маърифий жиҳатдан баркамол бўлиб етишишига ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишда яқин кўмакчи вазифасини ўтайди. Байрамлар ва муҳим воқеаларга бағишланган деворий газеталарнинг кўркам, безакли, ўқишли ва таъсирчан тайёрланиши ўқувчи диққатини ўзига тортмай қолмайди, ижодий ва ижобий кайфият уйғотади. Бундай деворий газеталар мактаб ўқувчилари орасида эндигина ижодини бошлаган ёш ўқувчиларнинг илк машқларини ёритиши, мактабдаги тенгдошларнинг ўзаро фикр алмашиши муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, ҳозирда мактаб ўқувчилари деворий газеталарни чиқаришда ўзлари чизиш ёки ёзишдан кўра компьютер графикаларидан фойдаланишга ёки тайёр ёпиштиргичларга мурожаат қилаётганига гувоҳ бўламиз. Ҳаттоки, байрамларга бағишланган деворий газеталарни маҳаллий рассомларга чиздириш ҳоллари ҳам кузатилади. Шундай пайтлари синф раҳбарлари ўқувчиларнинг ўзини меҳнат ва ижод қилишга ундагани маъқул. Синфда «муҳаррирлар жамоаси»ни шакллантиришда ана шундай машғулотларга қизиқиши бор ўқувчиларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, кўпчилик ёзувчи, шоирларнинг биографик асарларини ўқиганимизда улар биринчи ижодлари мактаб деворий газетасида чоп этилгани, бундан ниҳоятда севиниб, ўзларига бўлган ишончи ортганлигини айтиб ўтганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Шулардан келиб чиқиб, биз мактабимиздаги деворий газеталарни чиқаришда фақатгина ўқувчиларнинг иштирок этишига аҳамият беряпмиз. Натижада ҳар бир синф доимий равишда ойлик деворий газеталарини чиқариш таклифи билан чиқди. Синфдаги ўқувчилар ёшига ва қизиқишларига мос ушбу нашрлар турли мавзудалиги ва ранг-баранглиги билан бирбиридан ажралиб туради.

Мактабимизда бир неча йилдан бери тарих ва санъат музейи фаолият юритмоқда. Улар йилдан-йилга ота-боболаримиз қадимда уй-рўзғор буюмларидан қандай фойдаланганлиги ҳақидаги кўргазма ва экспонатлар билан бойитилиб борилмоқда. Ўша даврнинг ҳаётини ифодаловчи фотосуратлар тўпланмоқда. Шунингдек, ўқувчиларимизнинг Наврўзбулоқ тоғи ва Сангзор дарёси бўйи табиатини ўрганиш, бугунги кунда долзарб бўлган экологик билимларини ошириш, табиатга бўлган муҳаббатини кучайтириш, қушлар олами ва ҳайвонот дунёси билан танишганлиги, улар ҳаётини, яшаш тарзини ўрганганлиги ҳақида қизиқарли хабарлар ёритиляпти. Ана шулар ҳақида деворий газеталаримизда маълумотлар бериб бормоқдамиз.

Одатда деворий нашрларга эътибор ва рағбат кучли бўлган илм даргоҳида ўқувчининг касб-ҳунар эгаллашга қизиқиши, ахлоқининг сезиларли даражада ижобий томонга ўзгаришига ҳар томонлама таъсир қилади. Қолаверса, ўқувчилар бўш вақтининг мазмунли ўтиши таъминланади.

Афсуски, айрим мактабларда деворий газеталар фақат расм ва табрикномалардан иборат бўлиб қолмоқда. Баъзан уларда номи ва санаси ҳам кўрсатилмайди. Мактаб деворий газеталари бирор тадбир, байрам муносабати билан чиқариладиган бўлса, унга тайёр расм ёпиштириб, табрикнома ёзиб қўйилмасдан, балки шу байрамнинг келиб чиқиш тарихи, неча йиллардан буён нишонланаётганлиги, бугунги ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида ҳам батафсил маълумотлар бериб бориш ўқувчиларнинг мазкур сана ҳақидаги билим ва тушунчаларини янада бойитишга хизмат қилади. (Бунда, албатта, ўқитувчиларининг фикрлари, мавзуга оид манбалар муҳим ўрин тутади). Нишонланаётган тадбир ёки байрам ҳақидаги расмлар танлови эълон қилиниб, ғолиб деб топилган ижодий ишларни деворий газетада бериб борилади.

Мактаб деворий газетаси билан яқиндан танишган кичик ўқувчиларнинг фикр доираси, орзу-интилишлари ва маънавий жиҳатдан нечоғлик баркамол эканлигини англаб олиши қийин эмас. Шунинг учун педагогик жамоамиз ҳар бир деворий газетани мактаб ҳаёти билан боғлаб, унинг янада кўркам ва ўқимишли бўлиши учун таҳририят аъзоларига зарур маслаҳатларни бериб келмоқда. Бу эса газетанинг янада ўқишли бўлиши ва таъсир кучини оширишга хизмат қилади ҳамда ижодкор ўқувчилар жамоаси шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, албатта.

**Синдор ИСМОИЛОВ,**
**Жиззах туманидаги 1-мактабнинг маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари**

Бизнинг шарҳ

# АФРИКА “Э БОЛА”СИ

**Қора қитъада мазкур касаллик қарийб 40 йил олдин аниқланган бўлса-да, ҳозиргача унга қарши ҳеч қандай вакцина яратилмаган**







***Африка қитъасини навбатдаги касаллик қуршаб олмоқда. Миллионлаб аҳолини саросимага солаётган бу галги касаллик Эбола безгаги. Қитъа тарихида бу қадар кенг тарқалган ва кўп қурбон берилган касаллик хуружи ҳали бўлмагани таъкидланмоқда.***

Маълумотларга қараганда, Гвинея, Либерия ҳамда Сьерра-Леонада қарийб 400 киши хасталик туфайли вафот этган. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти безгакнинг бошқа ҳудудларга тарқалишидан хавотирда эканини билдирган. Сьерра-Леонада истиқомат қилаётган юзлаб аҳоли хавфли касалликдан омон қолиш мақсадида бошқа шаҳарларга чиқиб кетишга уринмоқда. Афсуски, уларнинг орасида касалликка чалинганлар ҳам борлиги айтилмоқда.

Шифокорларнинг фикрича, касаллик ҳаво-томчи йўли орқали юқади. Унинг белгилари - иситма, қувватсизлик, кўнгил айниши, буйрак ва жигар фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ. Бу жиҳатдан “Эбола”нинг касаллик аломатлари Ғарбий Нил вирусига ўхшаб кетади. Бир неча йил давомида сайёрамиз аҳолисини жиддий ташвишга солган Нил вируси юқумли касаллик бўлиб, бош мия шамоллаши оқибатида оғир менингитни келтириб чиқаради. Бу касаллик илк бор ўтган асрнинг 30-йилларида Угандада кузатилган. Авваллари бу касаллик фақат шимолий Африкага хос деб айтилганди. Кейинчалик вирус Уганда ва Африканинг бошқа минтақалари, ҳатто нисбатан совуқ минтақаларни ҳам қамраб олганди.

Бугунги Эбола ҳам Ғарбий Нил вирусидан “асло қолишмайди”. Шифокорларнинг сўзларига кўра, ҳозир ўлим даражаси 90 фоизга етмоқда. Мутахассислар касаллик белгилари аниқланган шахслар зудлик билан шифохоналарга мурожаат этишлари шартлиги ҳақида огоҳлантиришмоқда. Уларнинг айтишича, агар оилада кимдир касал бўлиб қолса, уларни қариндошлари парвариш қила бошлайди. Бемор вафот этгач, уни махфий равишда кўмишга уринишади. Одам ўлгандан сўнг Эбола янада юқимлироқ бўлишини эсдан чиқармаслик лозим. Одамлар эса яқинларини ўзлари кўмиб, худди шу хасталикка ўзлари ҳам чалинишмоқда.

Гвинея ҳукумати Эбола безгаги хуружи туфайли мазкур мамлакатда таомилда бўлган кўршапалаклар гўштини ейишни вақтинча ман қилган. Уларнинг фикрича, айнан мана шу жониворлар вируснинг энг хавфли тарқатувчилари ҳисобланмоқда. Шунингдек, ҳукумат томонидан аҳоли ўртасида касаллик аломатлари ва бу борадаги зарур чора-тартибларга қаратилган кенг миқёсдаги кампания ишлари бошланган. Жумладан, мунтазам равишда одамларнинг қўл телефонига турли тавсиялар юборилмоқда.

Сўнгги маълумотларга қараганда, Эбола безгаги вируси Гвинея жанубида 60 кишининг ҳаётига зомин бўлган. Кузатувчиларнинг фикрича, касаллик қўшни ҳудудларга ўтган бўлиши мумкин. Негаки, қайд этилган касалликка чалиниш ҳолатининг асосий қисми Гвинеядан келган кишилар ҳиссасига тўғри келади. Мали давлати чегараларида мамлакатга кириб келувчилар учун махсус тиббий кўриклар ташкил этилган.

Эбола вируси биринчи марта 1976 йили Суданда қайд этилган. Унга қарши ҳозирча ҳеч қандай вакцина мавжуд эмас. Бу жуда хавфли ва юқумли касаллик бўлиб, хасталик 90 фоиз ҳолатда бемор вафоти билан якунланади. Эпидемия ўчоқларида ишлаётган шифокорлар ҳаёти ҳам хавф остида қолади.

Касалликнинг илк даври 2-21 кунни ташкил қилади. Касаллик жуда тез ривожланиб, аввалига иситма пайдо бўлади, бош, томоқ ва мускуллар оғрий бошлайди. Кейин эса терида қизаришлар пайдо бўлиб, жигар ва буйраклар ишдан чиқади, ички ва ташқи қон кетишлар, диарея юзага келади. Касалликка чалинган бемор бир ҳафтада вафот этади. Шифокорлар буни тез ва ниҳоятда оғир ўлим эканини таъкидлашади. Касалликнинг шу пайтгача кузатилган энг катта эпидемияси 2000 йили Угандада қайд этилган.

Афсуски, қарийб 40 йиллик тадқиқотлардан сўнг ҳам Эбола безгагига қарши ҳеч қандай даво чораси топилмаган. Бугунги кунда Африканинг шимолий ҳудудларида ҳам вирусга чалинганлар аниқланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг сўзларига кўра, юқумли касаллик бошқа ҳудудларга тарқалиб кетмаслиги туфайли ушбу минтақаларда юқори малакали мутахассис-у шифокорлар фаолият олиб боришлари зарур.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Эбола безгагининг Африка ғарбида тарқалиши масаласи юзасидан йиғилиш чақирган. Йиғилиш июль ойида Ганада ўтказилиши режалаштирилган.

### ҚАДИМ УСУЛИ

Бир неча йилдирки, Африка қитъаси кўплаб касалликлар гирдобида қолмоқда. Фанга номаълум бўлган турли касалликлар айнан қора қитъада авж олиб, дунё бўйлаб тарқалмоқда. Тарихчиларнинг фикрича, қадимда ҳам бу каби юқумли касалликлар тез-тез кузатилган. Хусусан, Искандар Зулқарнайн ёки Рим ўлкалари подшолари бунинг олдини олиш учун самарали усуллардан фойдаланган. Улуғ бобокалонимиз Амир Темур ҳам ҳарбий юришлар давомида шунга ўхшаш ҳолатларга бир неча маротаба дуч келган. Ҳукмдор юқумли касалликларнинг олдини олиш учун ўзига хос усуллар қўллаган. Масалан, Ҳиндистонга сафар давомида 100 мингдан зиёд қўшин ўн кун давомида кунига бир соатдан тутунга тўйинтирилиши натижасида ўлатдан асраб қолинган. Шунингдек, Соҳибқирон ҳар куни оз-оздан асал истеъмол қилса, инсон кучга кириб, унга юқумли касалликлар юқмаслигини таъкидлаган. Эътиборлиси, бу каби усулларни ҳозир ҳам қўллаш мумкин.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**“Milliy tiklanish” шарҳловчиси**

***“Эбола”дан олдин бутун дунёни жиддий ташвишга солган касалликлардан бири Ғарбий Нил вируси эди. Бу касаллик илк бор ўтган асрнинг 30-йилларида Угандада аниқланиб, кейинчалик Европанинг қатор давлатлари, Ўрта Ер денгизи мамлакатлари (Исроил, Миср), Индонезия ва Ҳиндистон, ҳатто АҚШда ҳам кузатилган. Шимолий Америкада вирус паррандалар, жумладан, Америка қарғаси томонидан юқиши ўз исботини топган.***

Рангин дунё

# Тўпқопи музейи

***XIX аср ўрталарига қадар Усмонлилар салтанатининг саройи бўлган Тўпқопи музейи “Катта сарой” ва “Улкан қаср” номи билан ҳам дунёга машҳур. Музей Истанбул шаҳрининг марказидаги Босфор мавзеи, Мармар денгизи бўйида жойлашган. Етти юз минг квадрат метр майдондан иборат музей биноси бир минг тўрт юз метр узунликдаги девор билан ўралган.***



1453 йили Қустантинияни турклар эгаллаганидан сўнг, усмонлилар султони Маҳмуд истилочи ўзи учун Боёзид майдонида махсус сарой қурдиради. “Шоҳ майдони” номи билан аталган подшоҳнинг бу саройидан ҳозир деярли ҳеч нарса сақланиб қолмаган. 1475-1478 йилларда султоннинг буйруғи билан Византия хоқонлари вайронага айлантирилган бу майдонда Тўпқопи саройи бунёд этилади. “Қопи” сўзи турк тилида “дарвоза”, “тўп” эса “замбарак” деган маънони англатади. Дастлабки эллик йил мобайнида султон Тўпқопи саройидан қароргоҳ сифатида фойдаланади. Сулаймон I нинг славян канизаги, кейинчалик хотини бўлган Раксолана илтимоси билан Тўпқопи қайта таъмирланиб, турли безаклар билан бойитилган. Тўрт юз йил Тўпқопи усмонлилар ҳоқонлиги даврида йигирма беш нафар султоннинг асосий саройи вазифасини ўтайди. 1854 йилдагина султон Абдумажид I “Дўлмабоғча” саройига кўчиб ўтади. 1923 йили мамлакат республика деб эълон қилингандан кейин Камол Отатурк бошқа қадимий иншоотлар каби Тўпқопи саройини ҳам музейга айлантиради.

Тўпқопи музейининг қурилиш услубига келсак, у тўрт ҳовлига бўлинган. Султон Ҳумоюн эшиги асосий дарвозасидир. Кейинчалик масжидга айлантирилган қадимий Ирина ибодатхонаси ҳам шу ерда бўлган. Шунингдек, археологик топилмалар ва қадимий шарқ дурдоналари ҳозир шу ерда сақланади. Султон девони ва хазинаси сақланган иккинчи ҳовли дарвозаси Салом эшиги деб аталади. Ҳовлининг ўнг томонида “Жаллод” фаввораси бор. Унинг чап томонидаги саккиз гумбазли, лабиринтсимон хоналарда султонлик қурол-аслаҳалари, ошхона анжомлари ҳамда хитой чиннниси ва мис идишлар сақланади. Учинчи ҳовлига кириш дарвозаси Ҳаловат эшиги деб аталган. Султоннинг оила аъзолари шу ерда яшаган. “Эндеруҳн” деб ҳам номланган ушбу майдоннинг бир қисми қадимда ходимларни бошқариш бўлими вазифасини ҳам ўтаган. Бу ерда Салим I қурдирган тахтиравон, унинг орқа томонида эса Аҳмад III кутубхонаси бўлган. Кутубхонанинг чап бурчагида ислом динига оид табаррук ашёлар, жумладан, Муҳаммад пайғамбарнинг муборак сочлари, тишлари, оёқ излари ва ридолари сақланади. Қолаверса, табаррук саҳобаларнинг қиличлари ҳамда шахсий буюмлари ҳам шу ердан ўрин олган. Бундай қимматбаҳо эсдаликларни 1517 йили Салим I Саудия Арабистони ва Мисрдан келтирган. Ҳовлининг ўнг томонида тилла ва мисдан ишланган турли тошлар, қутича ва ғаладонлар сақланади. “Софа”, “Мажидия” ва “Башлала” дарвозалари деб номланувчи тўртинчи ҳовли шийпон, равон, ҳовуз ва сайргоҳлардан иборат.

Пирий Раис машҳур турк денгизчи сайёҳидир. У 1465 йилда Караман вилоятида туғилган. Пирий Раис дунё замонавий картографиянинг отаси ҳисобланади. У чизган иккита дунё харитасининг бўлакчалари бизгача етиб келган. Пирий Раис чизган машҳур хариталарнинг биринчиси 1513 йилда чизилган. У 60х85 см. ўлчамда бўлиб, 1517 йил Мисрда Ёвуз Султон Салимга тақдим этилган. Харитада Испания, Ғарбий Африка, Атлантика океани, Американинг ўша даврларда кашф қилинган қисмлари ва Антил ороллари бор эди. Бу харита Христофор Колумб Америка қитъасига оёқ босгандан 10 йилдан кейин чизилган ўта қадимий Америка харитасидир. Пирий Раисга оид иккинчи харита 1528 йили чизилган ва 68х69 см. ўлчамда бўлган. Унда Атлантика океанининг шимолий соҳиллари, Шимолий ва Марказий Американинг қуйи қисмлари тасвирланган эди. Харита техник жиҳатдан мукаммаллиги билан бирга, ўрта аср хариталарида учрайдиган хато ва камчиликлардан холи эди. Мазкур харитада аниқланган жойлар чизилган, аниқланмаганлари эса бўш қолдирилган. Бугун аксарият илмий давраларда Пирий Раис харитаси Шимолий Американинг энг қадим, оригинал ва илк илмий харитаси сифатида тан олинди. Қадимги хариталар 1929 йили Истанбулдаги Тўпқопи саройидан топилган бўлиб, ҳозирги кунда ушбу музей экспозицияларидан муносиб жой эгаллаган.

Бугунги кунда Тўпқопи музейи коллекциясида сақланаётган шарқ чинни идишлари бўйича Пекин ва Дрезден саройларидан сўнг учинчи ўринда туради. Жаҳоннинг энг машҳур музейларидан бири ҳисобланмиш Тўпқопи музейида маданият ёдгорликлари — қадимий қўлёзмалар, хитой ва япон чиннилари, қурол-яроғлар, султонларнинг кийимбошлари кўз қорачиғидек сақланмоқда. ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Тўпқопи дунёдаги йирик ва машҳур музейлардан биридир. Унда намойиш этилаётган дурдоналар олтмиш беш мингдан ортиқ. Бундан ташқари оммавий кўргазмага қўйилмаган қадимий буюмлар ҳам талайгина.

**Зафар МУҲАММАД**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР



## Улкан муҳожирлар оқими

**Италия қирғоқларидан қарийб 2600 нафар ноқонуний муҳожир қутқариб олинган.**



Италияга денгиз йўли орқали муҳожирларнинг келиши давом этмоқда. Мамлакат қирғоқ хизмати ва полиция ходимлари томонидан ўтказилган махсус амалиётлар чоғида Африкадан келган иммигрантлар қутқариб олинган. Қочоқлар Замбия, Судан, Конго демократик республикалари фуқаролари экани айтилмоқда. Ўтган 6 ой давомида Италия қирғоқларига келган ноқонуний муҳожирлар сони 63 мингдан ортган.

## Кучли тўфон

**Япония жанубига “Неогури” тўфони хавф солмоқда.**



Окинава префектурасидаги барча ҳаво транспорти, темирйўл ва кемаларнинг денгизга чиқиш ҳаракатлари вақтинча тўхтатилган. Атрофда истиқомат қиладиган 500 мингдан зиёд аҳоли хавфсиз жойларга эвакуация қилинган. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу табиий офат ўтган 10 йилдаги энг кучли тўфон саналади. Хабарларга кўра, Окинавада шамолнинг тезлиги секундига 50 метрга етмоқда. Бу эса қарийб 60 мингдан зиёд аҳолини электр энергиясиз қолдирган. Қирғоқларда тўлқинларнинг баландлиги 14 метргача етган. Метеорологларнинг фикрича, шу кеча-кундузда 300 мм.гача ёмғир ёғиши кутилмоқда. 2014 йилдаги тўфонлар мавсуми Тинч океани ғарбида кутилганидан олдинроқ бошланган. Биринчи “Агатон” тропик тўфони Филиппиннинг жанубий-ғарбида 15 январь куни қайд этилган.

## Ракета зарбалари уюштирилган

**Исроил Ғазо минтақасидаги ХАМАС ташкилоти объектларига ракета ҳужумларини уюштирган.**



Кеча Исроил ҳарбийлари томонидан Фаластиннинг Ғазо минтақасидаги 30 дан ортиқ нуқтага ракеталар отилган. Хабарларга қараганда, тонгга яқин уюштирилган ҳужумлар оқибатида тўққиз нафар одам яраланган. Исроил мазкур амалиёт ХАМАС ташкилотининг Исроилга қилган ракета ҳужумига жавоб тариқасида амалга оширилганини билдирган. Фаластин ва Исроил ўртасидаги муносабатлар фаластинлик ўсмирнинг исроиллик экстремистлар томонидан ўлдирилиши оқибатида янада мураккаблашди. Бундан аввал, 12 июнда ўғирлаб кетилгани айтилаётган исроиллик уч ўсмирнинг жасади топилган эди. Исроил ўсмирларнинг ўлимида ХАМАСни айблаган.

## Улар уйларига қайтишди

**Қарийб 70 нафар нигериялик қизлар террорчилар қўлидан қочишга муваффақ бўлган.**



Улар Нигериянинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган Куммабзадаги уйларига етиб келишган. Бу ҳақда Борно штатининг ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари маълум қилишган. Ҳозирча яна Чибок пунктида истиқомат қилувчи қарийб 200 нафар мактаб ёшидаги қизларнинг тақдири номаълумлигича қолмоқда. Улар шу йилнинг апрель ойида “Боко Харам” террорчи гуруҳ томонидан ўғирлаб кетилган. Мактаб муассасасига ҳужум қилиш ортидан террорчилар хотин-қизларнинг таълим олишига қарши эканини билдирган. Ўз навбатида ҳукумат кучлари ҳам террорчи ташкилотларга қарши кураш олиб бормоқда. Ўтган ҳафта Дамбоа шаҳрида олиб борилган ҳарбий амалиётлар чоғида қарийб 50 нафар террорчи йўқ қилинган.

## Жазо тайинланди

**Мисрда “Мусулмон биродарлиги” етакчиси умрбод қамоққа ҳукм этилган.**



Миср маҳкамаси томонидан мамлакатда фаолияти тақиқланган “Мусулмон биродарлиги” ҳаракати етакчиси Муҳаммад Бадиё ва унинг яна 36 нафар сафдошини умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилган. Шунингдек, бу ҳаракатнинг ўн нафар тарафдорига ўлим жазоси белгиланган. Эслатиш жоиз, Бадиё ва унинг тарафдорлари ўтган йили мамлакат армияси Муҳаммад Мурсийни ҳокимиятдан четлатгач, аҳолини зўравонликка ундаганликда айбдор, деб топилган.

*Интернет хабарлари асосида*
*Умарбек РАҲМОНҚУЛОВ тайёрлади*

Эълон

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ ахбороти**

«O'ZEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASINING ASOSIY KUTUBXONASI»нинг 2014 йил 1 июлдаги 116-сонли хатига асосан д/р 10АА218 бўлган «ГАЗ-2410» русумли автотранспорт воситаси аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

*Кўргазма*

## Ўзбек болаларининг ижодий ишлари

*"Соғлом бола йили" Давлат дастури амалга оширилиши доирасида Германиянинг Динслакен шаҳрида (Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ўлкаси) ўзбек болалари ижодий ишларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси ҳамда "Friedensdorf International" халқаро хайрия ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазма иши билан Германияда даволанаётган 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган бемор болалар, немис жамоатчилиги ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари яқиндан танишди. Мазкур ижодий ишларда болаларимиз ўзбек халқ анъаналари ва қадриятлари, юртимизнинг бетакрор табиати, меҳнаткаш халқи, тарихий шаҳарларимиздаги ноёб меъморий обидаларимизни акс эттирганлар.

"Friedensdorf International" хайрия ташкилотининг матбуот котиби Хана Ломан Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларга юқори баҳо берар экан, бундай хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиш "Friedensdorf International" жамоаси учун катта шараф эканлигини таъкидлади.

— Ташкилотимиз Ўзбекистонинг "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан 2002 йилдан буён муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келади, - дейди Х.Ломан. — Шу кунларда хайрия ташкилотимизнинг реабилитация марказида мамлакатингиздан келган жами 17 нафар ўғил-қиз даволанмоқда. Улар даволаш муолажаларидан ташқари таълим олишлари ҳамда коммуникатив ва бошқа кўникмаларни орттиришларига ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Улар учун барча шарт-шароитлар, жумладан, турли тўгараклар, соғломлаштириш мажмуалари ва болалар ўйин майдончалари яратилган.

"Friedensdorf International" ташкилотининг асосий вазифаси болаларни тўлақонли даволаш ва уларни мутлақо соғлом ҳолда ота-онасининг бағрига қайтаришдир.

*Премьера*

## Олиманинг умр йўли

*Алишер Навоий номидаги Кино саройида "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмаси асосида "Меъмор" студиясида тасвирга олинган "Йўл" ҳужжатли фильми премьераси бўлиб ўтди.*

«Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори Ж.Қосимов, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори А.Маннонов, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири Ш.Ризаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим шарти сифатида миллий адабиётимиз, фан, таълим, маънавият ва маърифат соҳаларини равнақ топтиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларда буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг бой маънавий меросини ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшларга етказиш масаласига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Янги ҳужжатли фильмда атоқли навоийшунос, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси Суйима Ғаниеванинг ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

- Навоийни ўқиш, англаш уни зиёрат этиш демакдир, - дейди фильм қаҳрамони. - Навоий мероси эъзозланган, мутафаккир шоиримиз улуғлаган эзгу ғоялар бугун ҳаётда ўз амалий ифодасини топаётган мамлакатда яшаётганимдан, унинг бой меросини ўрганишдек шарафли йўлда эканимдан беҳад фахрланаман.

Заҳматкаш олиманинг меҳнатлари юксак қадр ва эътибор топди. Президентимиз фармонига кўра халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, маданият, адабиёт, санъат соҳаларини ривожлантиришдаги муносиб ҳиссаси учун С.Ғаниева 2008 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Ёшларнинг жонкуяр мураббияси ҳозир Тошкент давлат шарқшунослик институти мумтоз адабиёт кафедраси профессори.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги томонидан фан, таълим, адабиёт, маданият ва санъат соҳаси ривожига катта ҳисса қўшган юртдошларимиз ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар яратиш бўйича бошланган «Замон ва тақдирлар» туркумидаги ушбу янги экран асари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Фильм сценарийсини шоир Эшқобил Шукур ёзган, режиссёр — Адҳам Усмонов, тасвирчи — Музаффар Юсупов.

**ЎзА**

*Афсона ва ҳақиқат*

# "Тоҳир ва Зуҳра"

**зиёратгоҳида "Муҳаббат қасри" мажмуасини бунёд этиш мўлжалланмоқда**



***Истиқлол туфайли халқимизнинг бой тарихи қайта тикланиб, миллий маданият ва қадриятларимиз эъзоз топди. Халқимизнинг ана шундай номоддий мероси ҳисобланган, ишқ ва муҳаббат бобида Шарқнинг машҳур афсонасига айланган "Тоҳир ва Зуҳра" саргузаштларини ким ҳам эшитмаган, дейсиз? Бу ривоят Ўрта Осиё, Туркия, Шимолий Ҳиндистон, Покистон, Озарбайжон халқлари ўртасида ҳам кенг тарқалган. Мазкур асарнинг Мовароуннаҳр - икки дарё оралиғида, айнан бизнинг юртимизда яратилиши халқимиз тарихи ва маданиятининг нақадар улуғвор эканлигидан далолат беради. Муҳими, бундай афсона ва ривоятлар ёшларимизнинг маънавий ва маданий ҳаётида муҳим ўрин тутади.***



Ҳаётдаги ҳар қандай афсона, эртак, ривоят, ҳатто тахминларнинг замирида ҳам ҳақиқат ётади. Айниқса, халқ оғзаки ижодидаги бирор бир воқеа ҳақиқатнинг ҳаётий аксидир. Тўмарис, Широқ, Алпомиш булар халқнинг чинакам қаҳрамонларидир. Тоҳир ва Зуҳра ҳам халқ мулки бўлиб, тилдан-тилга ўтиб сайқал топди. Мустақиллик шарофати билан тарихий меросларимизни асраб-авайлашга бўлган эътибор натижаси ўлароқ, Қашқадарё вилояти Ғузор тумани, Қовчин қишлоғида "Тоҳир ва Зуҳра" хиёбони ташкил этилди. Вилоят аҳолисининг маданий ҳаёти учун хизмат қилиб келаётган хиёбон гуллар ва дарахтлар билан ўралган, ўзига хос меъморчилик услубида қурилгани учунми ҳамиша гавжум. Хиёбонга достонда акс эттирилган ҳайкаллар, ҳовуз, сандиқ, қабр, гул ва тикан акс этган ёдгорлик ўрнатилган. Бу сўлим маскан ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

Шу ўринда яна бир маълумот. Оммавий ахборот воситалари орқали Самарқанд вилояти Оқдарё туманининг Қоработир қишлоғида Тоҳир ва Зуҳра ҳамда Қоработир қабрлари борлиги ҳақида кўп эшитяпмиз. Хўш, бу манбалар қай даражада ҳақиқатга яқин? Бу ҳақда мутахассислар ва маҳаллий аҳолининг фикри қандай?

— Биз кейинги йилларда "Тоҳир ва Зуҳра" ёдгорлиги тўғрисида кўплаб маълумотларни тўплашга муваффақ бўлдик, - дейди Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон "Олтин Мерос" халқаро хайрия жамғармаси Оқдарё туман бўлими раиси Ойгул Маматова. — Самарқанд вилояти "Оқдарё" тумани ҳудудида чангалзор билан ўралган майдонда учта тепалик кўзга ташланади. Айтишларича, чеккадаги икки қабрга Тоҳир ва Зуҳра, ўртасига эса Қоработир дафн этилган. Илгарилари ҳар йили баҳорда Тоҳир қабридан қизил, Зуҳра қабридан оқ гул, ўртасидаги қабрдан эса қора тикан ўсиб чиқар экан. Ўтган асрнинг 50-йилларидаги қаттиқ аёз туфайли ушбу гулларни совуқ уриб кетган, лекин ўртадаги қора тикан ҳозир ҳам бор. Тарихий манбаларга кўра, қадимда бу тепаликда шоҳ қалъаси бўлган. Бу ердан топилган қадимий сопол идишлар ҳам шундан далолат беради. Маҳаллий аҳоли Зарафшон дарёсининг тик қирғоғини кўрсатиб, "Тоҳир шу жойдан сандиқда дарёга ташланган" дейишади. Шу ўринда савол туғилади. Тоҳир ва Зуҳра муҳаббати афсонами, ҳақиқат? Янаям ажабланарлиси, улар агар Зарафшон бўйларида яшаган бўлса, унда қандай қилиб бошқа халқларнинг афсонасига айланиб кетган,- дея сўзини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Ҳикоя қилинишича, сандиққа солиниб, Зарафшон дарёсига ташланган Тоҳир олти ой ўтиб Хоразмга бориб қолади. Маълумки, Зарафшон дарёси Амударёга қуйилмайди. Фақат ўтмишда икки бор қуйилган. Полеографларнинг таъкидлашича, бундан 3 минг йил олдин Зарафшон суви Жайҳун (Амударё)га қуйилган. Оролдан ошиб-тошган ортиқча сув Ўзбой орқали Сариқамиш чўкмасига оққан. Ўлкада деҳқончилик ривожлангани боис Зарафшон суви Амударёга етиб боролмаган. Тарихда бу ҳол икки марта кузатилган. Яъни милодий IV ва XIV асрларда Зарафшон Амударёга бориб қуйилган.

Ёдгорлик ўрганилганда улар баланд ва кенг бўлиб, одатдагилардан фарқ қилган. Маҳаллий аҳолининг хабар беришича, бу жойда бошқа қабрлар ҳам кўп бўлган. Аммо вақт ўтиши билан улар йўқолиб кетган.

Археологлар қабрлар ёнидаги тепаликда қадимий қалъа қолдиқлари борлигини, сопол синиқлари эса V аср бошларида вайронага айланганлигини асослаб беради.

Юқоридаги фактлар ва тарихий маълумотлар асосида қуйидаги хулосага келинган. IV аср охири ва V аср бошларида Мовароуннаҳр бир қанча кичик давлатларга бўлиниб кетган, Самарқанддан қуйироқда икки майда давлат — Иштихон ва Кушония жойлашган. Бухоро ҳавзасида учинчи — Вардона беклиги мавжуд бўлган. Ўзаро уруш ва низолар туфайли суғориладиган йирик ер майдонлари инқирозга юз тутган. Натижада Зарафшон қисқа вақт ичида ўзининг қадимий ўзанини тиклаб, Амударёга оққан. Демак, шу даврда Иштихон ҳудудида "Тоҳир ва Зуҳра" афсонасидаги воқеалар рўй берган, дея тахмин қилинади.

Бугун бу масканда кенг кўламли тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, ёдгорлик жойлашган жой ҳамда республикамизнинг барча вилоятларида "Тоҳир ва Зуҳра" хиёбонини ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Халқ депутатлари Иштихон туман Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига ушбу масала киритилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳам режалаштирилган. Шунингдек, ЎзМТДП Марказий Кенгаши билан Ўзбекистон "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ўртасида имзоланган меморандум асосида бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда зиёратгоҳни ободонлаштириш борасида муайян ишлар қилинмоқда. "Олтин Мерос" ХХЖ қошида ташкил этилган "Тоҳир ва Зуҳра" зиёратгоҳини ободонлаштириш ишчи гуруҳи томонидан эса тўртта кенг қамровли лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди"нинг муҳокамасига топширилди. Унда зиёратгоҳ йўлларини асфальтлаш, қурилиш ишлари ва зиёратчилар учун дам олиш шароитларини яратиш режалаштирилган. Бешинчи лойиҳа улкан иншоот "Муҳаббат қасри" лойиҳаси бўлиб, бунда миллий меъморчилигимизда ўзига хос кўриниш — тиллақош, яъни ярим ой, айлана шаклидаги пастдан юқорига баландлашиб борган беш қаватли иморат, ўзбек достончилиги, фольклорлар тарғибот маркази, кутубхона, ўқув заллари, меҳмонхона ва сиҳатгоҳларда турли адабий, маданий тадбирлар ўтказиш мўлжалланган.

Юртимизда маданият ва маърифат марказларига алоҳида эътибор қаратилиб, кенг кўламли ишлар амалга оширилаётган бир пайтда, ёшларимиз учун ҳақиқий севги тимсоли бўлган "Тоҳир ва Зуҳра" зиёратгоҳи ва шу номдаги масканлар халқимизнинг маънавий қадриятлари билан боғлиқ севимли гўшасига айланса ажаб эмас.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**



**ТИББИЙ МАСЛАҲАТ**

## Малина

**Хушбўй, мазали ва шифобахш малина таркибида 9-10 фоиз шакар, темир, мис, калий, пектин, бириктирувчи ва ошловчи моддалар, органик кислоталар, С, В, В12, РР витаминлари, фолий кислотаси бор.**



Ушбу резавор мева дамламаси иштаҳа очиш, овқат ҳазмини яхшилаш, терлатиш, қон тўхтатиш, ўпка шамоллаганда балғам кўчириш, иситма кўтарилганда ҳароратни пасайтириш хусусиятига эга. Шунингдек, малина юқори нафас йўллари яллиғланганда, атеросклероз (қон томирларининг қаттиқлашиши) ва юқори қон босимини туширишга ёрдам беради. Малина пешоб ҳайдовчи восита ҳамдир. Мазкур мевани истеъмол қилиш натижасида организмдан барча зарарли моддалар чиқиб кетади. Шунинг учун ҳам шамоллаган инсон тез-тез малина мураббоси аралаштирилган чой ичиб туриши лозим. Малинада қон қуюлишини меъёрлаштирувчи, майда қон томирчаларини мустаҳкамлаш хусусиятига эга моддалар ҳам бор. Бундан ташқари, малина камқонлик ва буйрак касалликларига даво ҳисобланади. Фақат қон босими паст инсонлар уни истеъмол қилмаганлари маъқул. Шакар қўшилган малина шарбати эса безгак тутган беморлар учун яхшигина тетиклаштирувчи ичимликдир. Терлаш учун қуритилган малина мевасидан қуйидаги дамлама тайёрланади. Бунинг учун 2 ош қошиқ мевага 1 стакан қайноқ сув қуйиб, 20 дақиқа дам едиринг. Совугач, сузиб олинг. Дамлама кунига бир маҳал 2 стакандан иссиқ ҳолда ичилади.

**БИЛАСИЗМИ?**

Папуа Янги Гвинея аҳолиси тахминан 700 хил тилда гаплашади. Бу бутун жаҳон тилларининг 15 фоизи демакдир.

* * *

Хитой тилидаги "мандарин" лаҳжасида 885 миллион киши сўзлашади. Иккинчи ўринда — испан (332 млн.) ва учинчи ўринда — инглиз (322 млн.) тиллари туради.

**ТУРФА ОЛАМ**

## Кино боғи

**ШУ ЙИЛНИНГ 16 ИЮЛИДА РИМ ШАҲРИДА CINECITTA WORLD ДЕБ НОМЛАНГАН ЯНГИ КЎНГИЛОЧАР БОҒ ОЧИЛАДИ.**



Мазкур боғ шаҳарда туризмни янада ривожлантириш мақсадида барпо этилган бўлиб, ундаги барча аттракционлар машҳур фильм қаҳрамонларига тақлидан қурилган. Бундан ташқари, боғ меҳмонлари ихтиёрида юқори технологик аттракционлар (сув шоуси, махсус эффектли томошалар) ҳам мавжуд. Кино ишқибозлари эса фильмни суратга олиш жараёни билан шу ернинг ўзида танишишлари, ҳатто, актёр сифатида рол ўйнашлари мумкин. Қолаверса, боғ ичида каттаю кичик кино заллар, дам олиш масканлари, болалар майдончалари ҳам бўлади. Cinecitta World лойиҳаси учун жами 500 миллион евро сарфланган бўлиб, ҳар йили боғ 4 миллиондан зиёд меҳмонни қабул қилиши кўзда тутилган.

## "Қуёш" минораси

**АВСТРАЛИЯНИНГ ENVIROMISSION КОМПАНИЯСИ ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ЛОЙИҲАНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА.**



Шу мақсадда компания Аризона саҳроси ҳудудидан ер харид қилиш ва ўзининг биринчи улкан қуёш минорасини қуриш борасидаги муҳандислик ишларини бошлаш арафасида. Австралиялик мутахассисларнинг режасига кўра, янги минора ўлчамлари жуда катта бўлади ва сайёрамиздаги энг баланд иншоотлардан бирига айланади. Бу миноранинг баландлиги 800, юқори қисми диаметри 130 метрни ташкил этиши кутилмоқда. Унинг ишлаб чиқариш унумдорлиги эса 200 МВт.га етиши мумкин. Бундай миқдордаги қувват камида 150 мингта уйни электр токи билан таъминлаш имконини беради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, мазкур минора фойдаланишга топширилганидан сўнг камида 80 йил мобайнида тўлиқ қувват билан ишлайди.

**Абдурашид ХУДОЙБЕРГАНОВ тайёрлади**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони balансидаги Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 53-уйда жойлашган 2 қаватли 2 корпусдан ("А" корпус: икки қаватли, ўлчами — 25,8х12,45 м., майдони — 642 кв.м., "Б" корпус: бир қаватли, ўлчами — 13,2х12,45 м., майдони — 164,3 кв.м) иборат умумий майдони 806,3 кв.метр бўлган бинони таъмирлаш учун "ISHONCH QURILISH PLYUS" МЧЖ 2014 йил 21 май, "Миллий тикланиш" газетасининг 20 сонидаги тендер натижалари бўйича ғолиб бўлганлигини эълон қиламиз.

«Миллий тикланиш» газетаси жамоаси газетанинг Қашқадарё вилоятидаги махсус мухбири Шерзод Қурбоновга отаси

**Ўктам ҚУРБОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир ўринбосари:** Исмат ХУДОЁРОВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 727, Адади — 6483. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Зафар МУҲАММАД
**Навбатчи:** Тўмарис АЪЗАМ
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.40.
ISSN 2010-7714
123 5